


59
ЕРВ

Т. ЁДГОРОВ



Илонлар
изидан

Зоологияда судралыб юрувчилар синфиға киравучи илонлар инсоннинг дўсти сифатида унинг саломатлиги ва қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳисобланган турли юқумли касаллик тарқатувчи кемирувчиларни қиришдаги фойдалы жонивор экандиги кейинги йилларда фан ютуқлари, далиллар билан исботланмоқда. Бу ютуқлар эса у ёки бу илоннинг ҳаёт кечиришини, экологиясини чуқур ўрганиш туфайли қўлга киритилмоқда.

Қўлингиздаги китобча муаллифнинг Узбекистон Фанлар Академияси Зоология ва паразитология институтининг заҳарли илонлар экологияси лабораториясида илонлар ҳаётини ўрганиш борасида республикамизнинг саҳро, чўл ва тоғларида олиб борган кўп йиллик илмий кузатишлари асосида ёзилган.

Китобча кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

2—10—6	10 2	
Я-М351	(06) 73	21—73



Изд-ва «Узбекистон», 1973 г.

МУҚАДДИМА

Илон деганда кўпчилик халқлар тушунчасида беихти-
ёр қўрқув ўйғотадиган маҳлуқ гавдаланади.

Шунинг учун ҳам одам илонни кўриши билан кўп ҳол-
ларда бирдан сесканиб кетади. Айниқса, илонлар кўп
яшайдиган жойларда бўлиб, тошлар, ўт-ўланлар оралаб
юрганингизда тўсатдан шитир этган товушни эшитиб
қолганда илон овловчиларнинг ўзлари ҳам сесканиб
кетади.

Илон сирли, хунук, даҳшатли маҳлуқ сифатида гавда-
ланиб, қадимий афсоналарда айтишилича, у одамнинг
ҳамма баҳтсизликларига сабабчи бўлар эмиш.

Инсоннинг илонларга муносабати ҳозирги кунда ҳам
жуда кам ўзгарган. Ҳақиқатда эса аксарият илонлар
беозор ва фойдалидир. Улар ҳар турли каламуш, сичқон
каби майда зааркунанда ҳайвонларни қириб катта фой-
да келтиради.

Лекин кўпгина мамлакатларда, айниқса илонларга
бой Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда «Илоннинг касби
заҳар солиш» деб минг-минглаб заҳарли илонлар билан
биргаликда, заҳарсиз илонларни, ҳатто беозор сариқ илон
(у аслида калтакесаклар оиласига мансуб) ни ҳам
қўриш билан ўлдирадилар.

Шунингдек, илоннинг олдидан ўтма, у шу заҳотиёқ
сенга ташланади, шошган киши унга йўлиқади, илон кул-
ча бўлиб қўрқсан киши орқасидан катта тезлик билан
қувади, деган гапларни жуда кўп эшитиш мумкин. Бун-
дай гапларнинг тарқалишига сабаб одамлар илонлар
тўғрисида яхши билмаганликларидадир.

Кишилар илоннинг вишиллаши ёки бошини кўтариб
тилини чиқаришини у ҳужум қилмоқчи, заҳар солмоқчи
деб ўйлайдилар. Илон эса бу ҳолати билан ўзининг энг
хавфли душманларидан бири бўлган одамии ўзидан
огоҳлантиради. Киши тўхташга ёки бурилишга улгур-
масданоқ кўпчилик илонлар тезлик билан ўзини четга

олиб яширинишига ҳаракат қиласади. Бундай ҳолатни қўрқоқ одам албатта тўғри тасаввур эта олмайди. У илон билан учрашганини бир неча бор қўшиб-чатиб ҳикоя қиласади.

Яна бошқа бир миш-мишларга қараганда илон ухлаб ётган одамнинг оғзига кирар эмиш. Ичига илон кирган одамнинг қорни айниқса эрталаблари оғрир эмиш. Буни бир тасаввур қилинг-а, илон қандай қилиб ухлаб ётган одамнинг ичига киради. Яна уни уйқудан уйғотмасдан-а.

Одам ичига илон кирди, деб фараз қилайлик. У қандай қилиб узоқ вақт тирик қолсан? У, биринчидан, тезлик билан ўлиб ҳазм бўлиб кетиши керак ёки бўлмаса одам уни ўқчиб қайтариб ташлаши керак. Лекин бундай воқеалар афсоналарда айтилгандай эмас, балки бошқачароқdir. Баъзи қўйларни сўйганда ошқозонидан ўлик илонлар топилгани маълум. Үмуман илон одам қорнида ўлик бўлса ҳам кўп вақт яшар эмиш. Шунингдек, халқ орасида сариқ илон жума кунида бошқа вақт оғзини очмайди, у фақат жума куни чақар эмиш, деган гаплар ҳам юради. Фан бу хаёлий афсоналарнинг нотўғри эканлигини илмий далиллар билан исботлаган.

Маълумки бобокалонларимиз қадим замонларданоқ ҳар хил парранда ва ҳайвонларни зўр иштиёқ ва ишқибозлий билан қўлга ўргатиб, улардан турли мақсадларда фойдаланганлар. Лекин ҳайвонларнинг бир хили борқи, одам уларни кўрганда ёки номини эшитганда, бейхтиёр, сесканади, қўрқади. Шу туфайли бўлса керак, халқ орасида кечаси илон ёки чаённи отини айтмасдан газанда деб ҳам юритилади. Бундай жонивор ёки газандаларнинг асл моҳияти ва ҳислатлари ўтмишда эътибордан четда бўлган. Шунинг учун уларни асосан ёмон ниятлар билан асрарсанлар. Масалан, Миср подшоси Клеопатра заҳарли илонлардан гуноҳкор кишиларни чақтириб ўлдиришда фойдаланган. Ҳинд амалдорлари эса худди шу ниятда сув ҳавзаларида оч тимсоҳларни сақлаганлар.

Шунингдек халқ орасида ўқ илон учади, у кетмонни ҳам тешиб ўтади, аммо ион кетмондан улуғ бўлганлиги учун уни тешиб ўта олмайди, деган гапларни кўплаб эшитиш мумкин. Ўқ илон ингичка бўлиб жуда ҳам чаққон. У асосан қумли саҳроларда яшайди. Айтишларича у саксовул танасига чиқиб олиб. ўқдай учиб бориб ўша атрофдан ўтаётган одамга санчилар эмиш. Бундай афсоналарнинг нотўғри эканлигини саҳрода саёҳат қилган


кишилар ҳам кузатиши мумкни. Бу илон одамлар ўйлаганларича эмас, балки ёнидан тез ўтаётган калтакесакларга жуда тез ва чаққоилик билан ташланиб, ғаниматини ўраб ўлдиради. У фақат калтакесакларни шундай пойлаб ушлайди. Ўқ илон майда жониворларни чақиб ўлдиради, тез ва чаққон ҳаракат қилгани учун бўлса кепрак, маҳаллий халқ ундан қўрқиб, кўпгина афсоналар тўқиган. Бу афсоналарниң бирида айтилишича, ўқ илон бир сакрашда туяниңг юрагини тешиб ўтади, унинг заҳари одамини ўлдиради, дейилади.

Халқ орасида шохли ва икки бошли илонлар ҳақида ҳам ҳар хил ганилар бор. Шохли илонларниң борлиги ростми? Ҳа, рост. Шохли илонлар асосан Африка саҳроларида, Болқон ярим ороли, Кичик Осиё ва Суриядан тортиб, Шарқий ҳамда Фарбий Қавказда учрайди.

Шохли илонлар тапаси 70—75 сантиметр узунликда бўлиб, бизда яшовчи чарх илонига ўхшаш заҳарлидир. Шохли илонлар Ўрта Осиё териториясида учрамайди. Бу илонлар ҳақида ҳам узуи қулоқ, миш-минш гаплар жуда кўп.

Икки бошли илонлар ҳақида ҳам ҳар хил гаплар бор. Икки бошли илонларниң иккитаси Қавказдан, иккитаси Фарғона даштларидан ва ниҳоят яна бири Тошкент атрофидан ушланган. Бу илонлар алоҳида турни ёки авлодни ташкил қилмай, балки ҳамма турдаги илонлар орасида ҳам учраб туради.

Аждаҳо бўлганми? Ҳўш, ҳақиқатан ҳам аждаҳо борми? Аждаҳо тўғрисидаги афсона ва ривоятлар қадим замонлардан бери мавжуд. «Аждаҳо» сўзи биринчи марта эрамиздан аввалги II асрда Хитойда пайдо бўлиб, сув ва ёмғир худоси сифатида унга синганлар. Аждаҳо номи шунингдек Ҳиндистон, Корея ва Япония каби мা�млакатларниң халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган ва халқ байрамларида қаҳрамонларга «аждаҳо либоси» тақдим қилганлар. Улар аждаҳони халқ мададкори, ғалаба сари элтувчи куч, деб билганлар. Қадимги



Икки бошли илон (ранг-баранг чипор илон)

Грецияда аждаҳони яхшилик ва ёмонлик яратувчи худо, деб унга сифинишган. Мисерда аждаҳони кўкларга кўтариб мақтаганлар, нур сочувчи, йўл кўрсатувчи, деб ҳисоблаганлар.

Европа халқларининг афсона ва эртакларида аждаҳо сўзи зўр ва баҳайбат жонивор сифатида тилга олиниб, у инсонга фақат ёмонлик келтирувчи маҳлуқ саналган.

Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам аждаҳо билан боғлиқ бўлган халқ эртак ва достонлари жуда кўп. Буларда аждаҳо ҳамиша ёмонлик, вайронагарчилик келтирувчи маҳлуқ сифатида тасвирланади. Лекин халқ қаҳрамони аждаҳодан доим ғолиб келади ва уни ўз амрига бўйсундиради.

Шунингдек, ривоятларда аждаҳолар макони хилват тепаликлар, горларда бўлади, деб тасвирланади. Шунинг учун бўлса керак, одамлар бундай жойлардан қўрқиб, қадам босишмаган. Ҳозир ҳам бундай тепаликлар Термиз районидаги «Қизил Юлдуз» колхозида, Навоий район собиқ Кармана посёлкаси марказида, Нарпай районидаги Султонобод қишлоғи атрофида бор. Маҳаллий аҳоли бу тепаликларни «Аждар тепа», «Аждаҳо яшайдиган манзилгоҳ» деб атайди.

Ҳозирги вақтда Жанубий Американинг Амазонка дарёси ҳавзасида яшайдиган баҳайбат илон-анаконда ҳақида турли ривоятлар тўқилган. Анаконда ер юзида учрайдиган илонларининг энг йиригидир. Узунлиги 10—11 метрлар чамасида. Бундан ўн йиллар муқаддам Амазонка соҳилидаги кичик бир қишлоқ аҳолисини 50 метрлик бир анаконда ютиб юборган эмиш, деган миш-миш тарқалганди.

Яна бир мисол. 1912 йили голландиялик бир учувчи Индонезиянинг Комодо оролига тасодифан қўниб, у ерда даҳшатли бир маҳлуқни учратган. Узунлиги 4—4,5 метр келадиган бу ҳайвоннинг топилиши жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. 1926 йилда америкалик табиатшунослар мазкур ҳайвонни текшириб ҳозирги эчкиэмарларнинг энг йириги эканлигини аниқлашди.

Мамлакатимизининг баъзи районларида, айниқса Ўрта Осиё, Кавказ ва Узоқ Шарқда илонга сероб бўлган жойлар кўп бўлиб, у ерларни «Илонли орол», «Илонли сой», «Илон тоғ» ва «Илон дара» деб атайдилар. Бу жойларда заҳарли илонлар тўғрисида жуда ҳам кўплаб ҳикоялар учрайди. Республикамизда Боботоғ, Кўҳитанг,

Нурота тоғлари ва Термиз атрофларын «понга бой бўлган жойлар ҳисобланади. Айниқса Бинг Гавургон дараси жуда машҳурдир. Агар сиз инг Гавургон хондарё ёки Душанба шаҳри атъзумларини здан «Гавургонни биласиз» таъсирилганни тушидан учар илонлари тўғрисидар.

Маҳаллий аҳолининг ҳикояи Гавургон фатагина илонлар яшайдиган жой булиб, ундан бошқа жонивор бу ерда яшамас эмиш. Бу илонлар қирқ йилдан сўнг аждаҳога айланиб бошқа тогларга учиб кетар эмиш. Боботоғдаги илонлар ва оғзидан ўт пурковчи баҳайбат аждаҳолар макони Гавургон дарасида эмиш.

Биз Сурхондарёдаги илонларни текшириш мақсадида уюштирилган бир неча экспедицияларда Гавургон дарасида яшовчи баҳайбат илонлар ҳақида эшитиб ўша жойга боришга қарор қилдик. Ҳаво иссик, июль ойининг қўёши ўт сочар, жазирамага бардош бера олмай югуриб юрган калтакесак ва илонлар, қовжираб қолган ўт-ўланлар кўзга тез-тез ташланарди. Биз Гавургонга бориш учун Боботоғнинг энг баланд жойи — Ҳазратбобо (бу ерни Ҳазрати чашма ҳам дейишади)га етиб келдик.


Ҳазратбобо жуда ҳам номи кетган «муқаддас» жой. Биз ўша жойга боришимизни билган маҳаллий аҳоли у ерга ҳеч ким бормаган, одам бориши мумкин эмас, сизлар ёш экансизлар, деб бизни қайтармоқчи бўлдилар. Биз Гавургон дарасида етти кун бўлиб, бир неча заҳарсиз илонлар билан битта икки метрлар чамасидаги кўз ойнакли илонни тутиб қайтдик. Қайтишда бизни у ерга бормасликка ундан кишиларга Боботоғда 20 тур калтакесак, 14 хил илон яшашини, илонларнинг энг каттаси 2 метрдан ошмаслигини ҳеч қандай «аждаҳо» йўқлигини тушунтиридик. Боботоғнинг илонларга бой бўлганлиги туфайли бўлса керак, уни «Илонлар тоғи» деб атайдилар. Гавургон дарасини аждаҳолар макони дейишлари эса эҳтимол бу ерда содир бўладиган ўзига хос акс садонинг зўрлигидан пайдо бўладиган қандайдир қўрқинчли товуш сабаб бўлгандир.

Шундай қилиб, Гавургон дарасидаги «аждаҳолар» ҳақидаги тасаввурлар фақат уйдирма бўлиб, бу афсона ҳалқининг узоқ ўтмишдаги мифик қарашларнiga бориб тақалади.

ИЛОНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Чувалчангимон кўрилон. Бу илонни айниқса, Фарбий Ҳисор, Боботоғ, Кўҳитанг тоғлари тизмаларида дengiz сатҳидан 700—1200 метргача бўлган баландликларда тошлар остида кўплаб учратиш мумкин. Кўрилон кўпроқ илонга эмас, ёмғир чувалчангига ва аскарида сингари юмалоқ чувалчангларга ўхшайди. Шунга ўхшаш бъзи хусусиятларига кўра кўрилонлар оиласи систематик жиҳатдан ҳам муаммодир. Бир вақтлар мутахассислар уларни оёқсиз калтакесакларга киритганлар, кейинчалик эса илонлар туркумига алоҳида кенжак туркум қилиб бирлаштириб ва ҳозиргача кўпгина олимлар томонидан илон ҳисобланниб келинмоқда. Аммо охирги анатомик текширишларнинг кўрсатишича, улар илонларга эмас, балки калтакесакларга яқинлиги аниқланмоқда. Бу илоннинг орқасидаги ва қорнидаги тангаси бир хил, усти эса жигарранг бўлиб, жилоси йўқ, ости оқ қўнғир бўлади. Кўрилоннинг юпқа терисидан қон томир капиллярлари кўринниб тургани учун офтобда терисининг ранги пуштига ўхшаб туйилади. Танасининг боши билан биргаликда узунлиги 406 мм. га, думи эса 6 мм. га боради. Кўзлари қалқонлар билан ёпилган.

Яқин вақтларгача бу илоннинг бир неча турлари Ҳисор тизмаларидан бошқа жойда учрамайди, деб келинади. Бизнинг текширишларимиз бу илон Ҳисор ва унинг тизмалари Бойсун, Кўҳитанг ва Боботоғда ҳам тарқалганилигини кўрсатди. Кўрилон тоғларда ва тог этакларидаги юмшоқ тупроқли, айниқса эски қўй қўтонлари, шўра ва ҳар турли эфемерлар ўсадиган ерлар бу илоннинг севимли жойлари ҳисобланади. Уни айниқса баҳор ойларида катта-кичик ялпоқ тошлар остидан кўп-



Чувалчангсимон күрилон

лаб тониш мумкин. Күрилон кечаси тошлар тагидан ташқарига чиқади. Кундуз кунлари ҳавонинг исиши ва туроқда намнинг камайиши билан инига киради. Инининг узунлиги 70—120 см ва ундан ортиқроқ бўлиб, қумурсқаларникiga ўхшайди. Уни айниқса ёмғир ёғиб ўтгандан кейин ҳаво булутланиб турган вақтларда онда-сонда тошлар остидан ташқарига чиққанини кузатиш ҳам мумкин. Ёз ва куз ойларида улар инлари ичида ҳаёг кечиради.

У асосан тошлар остида туриб чумоли, ҳар турли қалалар, чигирткаларнинг личинкалари, қўнғизлар, чийилдоқлар ва ўсимлик қолдиқлари билан овқатланади. Умуман бу илоннинг ҳаёти жуда кам ўрганилган. Озиқланиши тўғрисида қарийб маълумотлар йўқ. Урғочилари июль ойида 3—5 тадан тухум қўяди.

Шарқий бўғма илонча. Иссиқ ёз ойлари эди. Амударёнинг Термиздан унча узоқ бўлмаган Пайғамбар оролидамиз.

Бир бута тагида узунлиги ярим метр келадиган қумиллон яшириниб ётар эди. Узунлиги бир неча метрга етадиган троник илонлар зотидан бўлган бу илонча атрофда чопиниб юрган калтакесак ва сичқонлардан кўз узмасди.

Мана, бир қум сичқон овқат излашга берилиб кетиб, унинг ёнига келиб қолди. Илон худди шундай пайтни пой-

лаб ётган эди. У яшин тезлигига бир сапчиб, ўлжасини гавдаси билан маҳкам чирмаб олди. Қум сичқон илоннинг оғушидан қутулиш учун жон талвасасида ўзни қумга урди. У ёқ-бу ёққа ағанади. Лекин минг чирсанасин, бари бир бефойда эди. Сичқон ўлган бўлса ҳам илон уни қисишда давом этар эди. Ниҳоят, илон сичқонни салгина бўшатди-да, юта бошлади. Илоннинг ғоят қийналаётгани кўриниб турарди, зўр беріб кучанишдан унинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлар эди, ахир ўз гавдасидан бир неча марта йўғон бўлган нарсани бутунича ютиб юбориш ҳазилакамми?! Сичқонни ютган сари илоннинг танаси таранг бўлиб борарди. Фақат бир неча марта нағасини ростлаб олгандан кейингина у қум сичқонни батамом ютиб юборди.

Бу илон танасининг узунлиги боши билан биргаликда 750 мм. гача боради. Думи тўмтоқ ва калта (40—60 мм.), оғирлиги 22—52 грамм келади. Урғочиларининг думи эр-каклариникидан калтароқ бўлади, дум ости тангачалари (пастдан, думининг асосидан учигача ҳисобланса) урғочиларида 20—27 та, эркакларида 26—37 та бўлиб бир қатор жойлашади. Пешона ва тумшуғининг юқори қисми текис бўлиб, кўзлари ён томонга қараган.

Шарқий бўғма илончани республикамизнинг Қизилқум, Зарафшон чўл-саҳроларида, шунингдек Фарғона водийси ҳамда Сурхондарё, Қашқадарё, Амударё бўйларидаги қумли ва гилтупроқли ерларда кўпроқ учратиш мумкин.

Фарғона ва Сурхондарё водийларида эса бу илонча қум бўғма илончаси бўлмаганлиги туфайли қумли саҳроларда ҳам кенг тарқалган. Мартда ва апрелнинг бошларида қишки уйқудан сўнг Термиз атрофларида пайдо бўлади. Одатда улар шу пайт офтобда тобланиб ётади. Кун исиши билан овга чиқади. Май ойининг дим кечаларида қум тепаларининг сиртида кўп учрайди. Фонарь ёқиб қаралса, данг қотиб ётади. Фаниматни иинининг оғзида қумга ботиб, яшириниб ётиб тутади. Шарқий бўғма илонча сичқонлар, майда қушлар, калтакесаклар билан овқатланади, у заҳарли эмас. Йюнь охири ва июль бошларида шарқий бўғма илончанинг урғочилари 8—10 гача тирик бола туғади, болаларининг узунлиги 18—20 см. бўлади. У тахминан 3—4 ёшида жинсий жиҳатдан вояга етади.

Бу илон тутқунликда яшашга тез ўрганади.

Царевский бўғма илончаси. Бўғма илонлар авлоди-нинг бу тури шарқий бўғма илончасидан аввало яшаш шароитлари, қорин ости ва дум ости тангачаларининг кўплиги, ҳамда танасининг ўрта қисмидаги тангачалари-нинг айланасига ошиши билан фарқ қиласди. Танасининг боши билан узунлиги 590 мм, думи эса 50 мм. гача боради.


Бу илон асосан Сурхондарёниг төғли ва төғ ёнбағир-ларида, дengiz сатҳидан 800—1200 м. баландликлардаги төғ ва тошли қояларда учрайди.

Қум бўғма илончаси. Ёз куни эрталаб қумли саҳро-ларда ҳайвонларнинг излари яққол кўринади, уларнинг орасида қум бўғма илончаларининг иланг-билинг излари кўзга ташланиб туради. Баъзан илон изи қаламушлар ишининг олдига келиб йўқолади. Кўпинча из ўсимлик ту-пининг остида ёки қум тепа қиррасида тугайди. Билди-масдан келиб яқинлашилса, қум юзасидаги айрим қум доналари билинар-билинмас наға-паға бўлиб учаетганли-гини пайқаш мумкин. Бу илон нафас олаётганда шундай бўлади.

Қум бўғма илончаси танасининг боши билан бирга-лика узунлиги 750 мм. гача боради. Думи тўмтоқ ва кал-та (40—70 мм), оғирлиги 250 граммча келади. Урғочи-ларининг думи эркаклариникидан кўра калтароқ бўлади, дум ости тангачалари (пастдан думининг учигача ҳисоб-ланса) урғочиларида 20—27 та, эркакларида 25—32 та бўлиб, бир қатор жойлашади. Пешонаси ва тумшуғининг юқори қисми салгина ботиқ, кўзлари юқорига қараган. Боши билан бўйнининг чегараси деярли йўқ бўлиб, бир-мунча майда, нотўғри шаклли қалқончалар билан узуна-сига кетган бир қатор оч жигар ранг доғлар бор. Танаси-нинг олдинги қисмидаги доғлар яққол кўриниб туради. Қорнида қалин қора қўнғир ёки қора доғлар ва доналари бор.

Бу илонча Қизилқум, жанубий Устюорт, Амударё дель-таси ва Хоразм воҳасининг қумли чўллари ва Зарафшон-нинг қуий оқимидағи саҳроларда тарқалган. Қум бўғма илончасининг тарқалиш жойлари Ўрта Осиё республика-ларининг қум чўллари, шарқдан ғарбий Тожикистон билан Марказий Қозғистонгача ва гарбдан шарқий Қавказ олдидағи қумли чўлларгача давом этади.

Апрель ва май ойининг бошларида бу илончани баль-зан кундуз куни ҳам қум юзасида учратиш мумкин. Одат-



Құм бүғма илончаси

да улар шу пайтда офтобда исиниб ётади. Қоронғи тушиши билан овга чиқади. Май ойининг дим кечаларида құм тепаларининг сиртида күп учрайди. Фонар ёқиб изланса, донг қотиб ётади. Ганиматни инининг оғзіда құмга ботиб ёки яшириниб ётиб тутади. Құм бүғма илончаси құшоёқ, құмсичқон, майды құшлар (чумчук, жиблажибон, сариқ чумчук), қурбақабош құм калтакесаги ва қулоқдор калтакесаклар, түр-түр калтакесаклар, сцинк гекконлар, илдам калтакесаклар, чүл агамалари билан озиқланади. Еш илонлар йирик ҳашаротларни ҳам тутиб ейди.

Бу илон зақарли әмас. Тропик мамлакатлардаги йирик бүғма илонлар авлодлари каби бу ҳам ганиматини тутгандан кейин уни кулча бўлиб ўраб бўгади. Ганиматни ўлдиргандан кейин уни боши томонидан ютабошлайди.

Овқатни ютгандан кейин иинининг оғзида исиниб ётади ёки қиёқ олдидаги қум орасига кириб кетади.

Июнь охири—июль бошларидан ургочилари 10 тагача бола туғади, болаларининг узунлиги 130—135 мм. бўлади. Бу илон тўрт ёшида жинсий жиҳатдан вояга етади.

Қум бўғма илончаси тутқунликда яшашга тез ўрганиди. Одатда, одамни чақмайди. Чаққандা баъзи калтакесаклар, масалан, қурбақабош калтакесакнинг чақйишидан кўра камроқ оғритади. Тутқунда сичқон, чумчук ва калтакесакларни ейди. Улган жониворларни ҳам ейишдан қайтмайди. Чўл бўғма илони террариумда овқат емай қўйса, халтага солиш керак. Халтада турганда сичқон ёки калтакесак каби жониворларни ҳамиша еяверади.

Сувилон. Сувилон Узбекистоннинг ҳамма сув ҳавзалирида кенг тарқалган бўлиб, тоғларда эса уни 2000 м. баландликларда ҳам учратиш мумкин. Иирик дарёларнинг водийларида, қайир кўллар, майда ариқлар ва шолипояларда ҳам кўп учрайди. Сувилон маймунжон, наъматак, жийда, шунингдек чўчқаёт ва бошқа ўтлар ўсган қирғоқларни айниқса яхши кўради. Уюм-уюм тошлар орасида ва ўсимликлар сийрак бўлган қирғоқларда камроқ учрайди. Ёз даврида сувилон уюм-уюм тошлар орасига, кемирувчи ҳайвонларнинг ини, ер ёриқлари ва каваклари, қалин чакалакзорлар, пичан фарамлари, эски гўрларга кириб яширинади.

Бундай жойларда улар битта, бир нечта баъзан эса 10—20 тадан ва ундан ҳам кўпроқ учрайди.

Вояга етган сувилон танасининг боши билан биргаликда узунлиги 100 см. гача, думи эса 17—20 см. га боради. Эркаклари ургочиларидан кичикроқ ва хушбичим бўлади.

Сувилонларни қишлоvdан сўнг Термиз атрофларида март ойининг ўрталарида кузатганмиз. Кўклам жуда салқин келган йилларда эса апрель бошларидагина қишиловдан чиқади. Кўкламнинг дастлабки кунларида сувилонлар соатлаб офтобда исиниб ётса-да, сувга тушмайди. Апрель ойида эса сувга тушади. Октябрь—ноябрь ойида қишилагани кетади. Бу даврда улар 3—4 км. масофада юриб жой излайдилар. Кўкламда сувилонлар кун бўйи ҳаракат қиласиди. Ёзда иссиқда ов қилмай қўяди. Кечга яқин эса яна овга чиқади.

Баҳорда ва кузда сувилонлар бақалар ва майда балиқлар билан озиқланади. Ёзда асосан балиқ (тез суза-

диган балиқ, маринка, гамбузия, Туркистон лаққа балиғи ва сазан болалари), баъзан ит балиқлар ва бақаларни ҳам тутиб ёди. Сувилон қурбақани кўрганда унинг олдиға ғоят дараражада эҳтиётлик билан сузиб боради ва жуда яқин қолгач, чаққонлик билан унга ташланади. Илон сал ноўрин ҳаракат қисса борми, тамом, қурбақа дарҳол қочади-кетади. Баъзан шундай ҳам бўлади: сувилон бир ерда ўликка ўхшаб тинч ётади, қурбақалар эса бепарво саёҳат қилиб, унинг ёнига келиб қолишади, баъзан қурбақалар илоннинг ҳатто у ер-бу ерига суйкалиб ҳам ўтиб қолади. Пойлаб ётган илон ана шундай қулай пайтда эпчилик билан қурбақага ташланади ва уни ютиб юборади.

Сувилон баъзан тинч ётиб, жуда усталик билан ип сингари ингичка тилини чиқариб, ликиллатиб туради. Буни кўрган қурбақа илон тилини бирор қурт бўлса керак деб, уни ейиш учун илоннинг тумшуғига келади. Илон эса уни осонгина ушлаб олиб, ютиб юборади.

Сувилонда тухум қўйини даври узоқ давом этиб, июлнинг бошларидан августнинг бошларигача давом этади. Ургочиси 5 тадан 13 тагача тухум қўяди. Тухумларини кемирувчиларнинг инларига ёки уюм-уюм тошлар остидаги нам қумга қўяди. Уларнинг тухумидан 45—55 кундан кейин узунлиғи 17—18 см, думи 3—4 см. келадиган илонлар чиқади.

Кўндаланг йўлли бўритиш илон. Та什қи кўринишдан бу илон жуда ҳам кичкина бўлиб 40—45 см. дан ошмайди. Кўзлари юқорига қараган. Бўйни танасидан сезилмас дараражада ажралади. Танасининг ўрта қисмида айланасида 17 тангача бўлади. Қорин остида 153—193, дум остида эса 42—66 жуфт тангачаси бўлади. Бошининг усти ва танасининг юқори қисмидаги қора ранги думига қараб ингичкаллашиб боради. Танасининг пастки қисми оқ рангда бўлади.

Бу илоннинг яшаш жойлари асосан ҳозирги вақтда Жанубий Туркманистон, Ўзбекистон ва Фарбий Тоҷикистондир. Сурхондарёда бу илон Шўрчи атрофи ва Ҳисор, Нурота тоғ ён бағирларида учрайди. СССРдан ташқари у асосан Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонда ҳам учрайди. Бу ерларда илон гилтупроқли тошлар орасида яшаб кечаси ҳаёт кечиради. Шу туфайли бу илоннинг ҳаёт кечириши фанда яхши ўрганилмаган. Бўритиш илонни кундуз кунлари фақат тошлар орасидан топиш

мүмкин. Майда калтакесаклар билан озиқланади. Тухумини июнь охирине ва июль бошларида 2—4 тагача құяды. Одам учуң бу илон мутлақо зиенсиздир.

Қизил чипор илон. Бу илон ингичкалиги, узунлиғи ва қаққонлиғи билан бошқа илонлардан ажралып туради. Танасининг узунлиғи боши билан биргаликда 100 см. гача боради. Думи танасидан 2—3 марта қисқадир. Ранги, бошидаги ва танасидаги таңгачаларининг жойланиши билан у чипор илонга ўхшайды ва ундан танаси бўйлаб ўтадиган қизил йўли билан фарқ қиласди.

Қизил чипор илон Жанубий Туркманистон, Ўзбекистон, Шимолий ва Фарбий Тоҷикистон, Фарбий Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонда кенг тарқалгандир. СССРдан ташқари бу илон Миср, Сомали, Арабистон, Сурія, Эрон, Афғонистон, Белужистон, фарбий ва шимоли-фарбий Ҳиндистонда тарқалган. Республикамизда эса бу илонни Боботоғ, фарбий Ҳисор, Кўҳитанг, Зарабашон ва Нурота тог ва тог ёнбағирларида 1600—1800 м. баляндликларгача учратиш мүмкин. Бу жойларда у тошлар орасида, кемирувчиларниң инларида, фор ва ёриқларда яшаб ҳаёт кечиради.

Апрелдан октябрь ойнагача актив ҳаёт кечиради. Қизил чипор илонларниң меъдасини ёрганимизда тоҷик калтакесакчаси ва туркистон агамаси қолдиқларини топғанмиз. Июнь ва июль ойларида 3—9 гача тухум құяды. Ундан ёш илончалар эса сентябрнинг охирларида пайдо бўлади.

Кўндаланг йўлли чипор илон. 1961 йилнинг 15 май куни ҳеч эсимдан чиқмайди. Шу куни экспедициямиз аъзолари билан олдин Термизга келиб шаҳар ҳайвонот бодига бордик. У вақтларда Термизда ҳам Тошкентдаги каби серпентарий (ilonxonalar) бор эди. У ерда заҳарли илонлар сақланиб заҳари «согиб» олинар эди. Термиз илонхонасини айланиб чиқиб кетиш олдидан кўзим илонни қисиб ушлайдиган қайчисимон чўпдан ясалган асбобга тушди. Уни секин олиб машинага ташладим. Биз белгиланган жойга етиб келганимизда кеч кира бошлаган эди.

Сурхондарё табиати ва унинг судралиб юрувчи ҳайвонлари, айниқса заҳарли илонлари экспедициясига чиқишим аниқ бўлгандан бўён кўз ўнгимдан ўтар ва бутун хаёлимни қамраб олган эди. Айниқса бу ўйлар экспедиция жойлашган жойга боргандан кейин зўрайиб, ҳар турли хаёлларга борган ҳолда тонг оттирдим. Эрталаб но-

пуштадан кейин биринчи марта овга шайландим. Ўзим билан илон ушлаш учун қайчисимон асбобимни ҳам олиб чиқдим.

Саёчат қумдан бошланди. Саҳрова у ёқ бу ёққа чопиб юрган сон-саноқсиз калтакесаклар, онда-сонда жазирама иссиқдан соя ахтариб лапанглаб юрган тошбақаларни кўриш мумкин эди. Бирдан янтоқ тагида ётган оқ-оқ йўлли чипор илонга кўзим тушди. Шу ондаёқ ўзимни орқага олиб уни ушлаш пайига тушдим. Қўрқув остида бутун баданим титради. Илон эса мендан бехабар ётар эди. Қайчисимон асбобни ишлатиш жойи келди. Илонни асбоб ёрдамида жуда осонлик билан белидан қисиб олиб ушладим. Жуда хурсанд ҳолда манзилга қайтдим. Кейин аниқлаб кўрсам бу илон кўндаланг йўлли чипор илон экан.

Бу илон Ўзбекистонда Қизилқум, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Зарафшон водийлари, тоғ этакларида денгиз сатҳидан 1000—1200 метр баланд бўлган жойларда учраб, тоғ, тошлар, адирлар, қумли саҳроларда каламушларнинг инларида яшайди. Бу илонни Туркманистон, Тожикистон ҳамда республикамизнинг бошқа областлари билан бир қаторда жанубий Қозогистонда ва шунингдек Эрон ва Афғонистонда ҳам учратиш мумкин.

Кўндаланг йўлли чипор илон унчалик катта бўлмай, ингичка ва ниҳоятда чаққондир. Танасининг узунлиги боши билан биргаликда 90 см дан ошмайди. Танасидан думига қараб кўндаланг сарғиши, хушбичим қора доғлари давом этади. Бу ранг думга яқинлашган сари ингичкалашиб йўқолиб кетади.

Бу илон асосан қумли саҳроларни яхши кўриб, ўша ердаги майда калтакесаклар, жумладан ола ва тўр-тўр калтакесакчалари ҳамда юмaloқ қум калтакесаги билан овқатланиб, ҳаёт кечиради. Тоғ ва тоғ ёнбағирларида эса тоҷик калтакесакчаси ва уй сичқонларини истеъмол қиласиди.

У июнь ойида 5—7 тагача тухум қўйиб кўпаяди. Август охири ва сентябрь бошларида тухумдан ёш илонлар чиқа бошлайди.

Ранг-баранг чипор илон. Ёз ойлари эди. Куни билан илон излаб эндиғина ошнамнига келган эдим. Мотоциклда бир киши биз турган уйга келиб мени сўради. Мен дарҳол уйдан чиқиб у кишига ўзимни таништиридим. Келган одам уйининг шифтида илон борлигини айтиб, тезлик билан мотоциклга ўтиришимни сўради. Мотоциклда кела-


ётиб мен у кишига илон ҳозир у жойида бўлмаса керак, у оғзами кўриш билан қочишига ҳаракат қиласи, у заҳарсиз чипор илонлар туридан бўлса керак деб тушунтирас эдим.

У киши бўлса, ўйқ илон кетмайди кўп киши бўлиб тоилаб турибмиз, у заҳарли илон бир неча соатдан буён айвон шифтида тоқи орасида қимирламай турибди. Бизнилар қараб турибмиз, деди. Бу гапларга ҳеч ишонгим келмас эди. Унинг уйига келгач, мен тезлик билан ўша илон турган жойга бордим. Тўпланган одамлардан бири менга илон турган жойини кўрсатди. Қарасам илон у жойда ўйқ экан. Уй эгаси менга, нима қиласиз, и бизни ҳар куни шу ҳолда қўрқитади, айниқса барни. У киши керак бўлса айвонни бузиб бўлса ини тутиб ўлдириш керак, деб менинг уларга у илонни ҳозир то Айвонни буза бошладилар. С лар вақт ўтди. Қоронғилик тушд бири фонар, иккинчиси милтиқ яна бири тасқондан долда ўша илон турган жойга эҳтимол чиқиб қолар, деб қараб турар эдилар. Мен уй эгасига илонни бугун топиб бўлмаслигини, эрта билан келиб илонни шу жойдан топиб беришимни айтдим. Лекин айвонни буздирманг, дедим. Эрталаб соат еттиларда секин келиб орқадан томга чиқиб кечаги бузилган айвоннинг аҳволини кузатдим. Айвоннинг ярми бузилган. Бузилмай қолган қисмида похол устида эрталабки қўёшда тобланиб ётган ранг-баранг чипор илонга кўзим тушди. уни секинлик билан ушлаб шу айвон тепасида туриб уй эгасини чақирдим. У бўлса илонни кўриши билан беҳад қўрқинч ва хурсанд ҳолда ҳа-ҳа ўша илон деди.

Ўзбекистонда бу илон айниқса Қизилқум, Зарабшон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида кўп тарқалгандир. Бу чипор илон шунингдек, Ўрта Осиё республикаларида, Закавказье, Миср, шимоли-ғарбий Ҳиндистонда ҳам учрайди. Бизда учрайдиган ранг-баранг чипор илонларни узуилиги думидан ташқари 1200 мм.

Сурхондарёда кўпинча бу илон харобаларда, ташландиқ иморатларда, молхоналарда, бъязан юкорида келтирганимиз сингари аҳоли яшайдиган иморатларга ҳам кириб яшайверади. Тоғларда эса у деңгиз 2,000 метр баландликгача бўлган жойларда.

Бирор хавф сезганида у тезлик билан жарнарнинг



ларига, кемирувчиларнинг инларига, пахса девор ва тошларнинг ораларига кириб яширинади. Ҳар турли иморат ва харобаларда яшайди. Бу илон чипор илонлар уруги ичида фойдали, беозор илондир.

Термиз атрофларида март ойининг бошларида қишки уйқудан кейин, ранг-баранг чипор илонлар пайдо бўлади, апрелда эса кун бўйи учрайди. Май ойидан авгуустгача эрталаб соат 10 гача ва кечқурунлари серҳаракат бўлади. Сентябрь ойида тушдан кейин яна ўрмалаб юради. Октябрь охири ва ноябрь бошларида ҳар турли ёриқларга, кемирувчиларнинг ёки бошқа ҳайвонларнинг инларига кириб қишлиайди.

Ранг-баранг чипор илон ҳар турли майда қушлар (дала чумчуги, қишлоқ қалдирғочи ва уларнинг болалари), кемирувчилар (қизил думли қум сичқон, уй сичқони, туркистон каламуши), калтакесаклар (илдам калтакесак, чўл агамаси) кабилар билан озиқланади.

Холдор чипор илон. Қорасув, Учқизил, Амударё бўйларида, Жарқўргон, Шўрчи, Боботоғ ҳамда Кўҳитанг төғ ёнбағирларида бу илон кўплаб учрайди. Шунингдек, Фарғона, Қизилқум ва Зарафшон водийларида, Эрон ва Ўрта Осиё ҳамда ғарбий Ҳиндистонгача кенг тарқалгандир.

Адирлар, форлар, тош оралари, қумли саҳролар, янтоқ босгани ва ташландиқ ҳолдаги харобазорлар холдор чипор илонларнинг макони ҳисобланади.

Сурхондарёда учрайдиган холдор чипор илон танасининг узунлиги 120 см. гача боради. Танасининг ранги тез ўзгарувчан бўлиб кулранг сарғиши тусли, ён томонида ромба шаклидаги қора доғлар бор.

Холдор чипор илон қишки уйқудан кейин Термиз атрофидаги жарликларда февраль охири, мартнинг бошларида пайдо бўлиб, биринчи кунлари 2—3 соатлаб қуёшда тобланиб ётади. Мартнинг иккинчи ярми ва апрель ойида актив ҳаёт кечиради. Май—сентябрь ойларида у эрталаб ва кечки соатларда серҳаракат бўлади. Кузда эса ҳаво исиган пайтларда, каламушлар ва ҳар турли кемирувчиларнинг инлари олдидаги дўнглик ва очиқ жойларда учратиш мумкин. Бу вақтларда уларни тутиш осон. Улар совуқ тушгач келаси йилнинг март ойларигача қишки уйқуда бўладилар.

Холдор чипор илон кемирувчилар (қизил думли қум сичқон, уй сичқони ва уларнинг болаларини), калтакесаклар (қоракўз калтакесакча, илдам калтакесак, тўр-тўр

калтакесак) билан озиқланади. Шунингдек, улар чўл ага-
маси ва синий геккони каби калтакесакларни ҳам истеъ-
мол қиласди. Бу илонлар 5—9 тагача тухум қўйиб кў-
наяди. Тухумдан августининг охири ва сентябрь бошлари-
да ёш холдор чипор илончалар чиқади.

Нақшдор ўрмаловчи чипор илон. Май ойининг охир-
лари эди. Экседициямиз Сангардак дарёсининг юқори
қисмида жойлашган Дебадам қишлоғига келиб тұхтади.
Қишлоқ деңгиз сатхидан 2000 метр баландликда жойлаши-
ган. Анича юриб чарчаганлығын туфайли бўлса керак,
кечки овқатдан сўнг тезда уйқуга кетибман. Эрта тоңгда
үйғондим. Тагимда, кўрпа орасида нимадир онда-сонда
қимирилагандай сезилар эди. Мен бўлсам бундан бехабар
у ёқ бу ёққа ағдарилиб ётар эдим. Ниҳоят туриб қарасам
тагимда — кўрпа орасида бир метрдан ортиқроқ қорам-
тирил илонни кўрдим. Мен шоша-пиша кўрпани палаткадан
чиқариб илон-нилонни билан жон ҳолатда ташқарига
улоқтиридим.

Илон кўрпадан чиқиб кета бошлади. Экседицияда
биринчи кунларим бўлгани учун у вақтларда илондан жу-
да қўрқар эдим. Шу туфайли бўлса керак, илон жуда ва-
химали бўлиб кўринар эди. Кўрқа-қўрқа илонни ушлаш
учун унинг йўлини тўсиб, бир ўртоғимни ёрдамга чақир-
дим. Илонни икки кишилашиб ушладик.

Бу илон адабиётларда мен ўқиган нақшдор ўрмалов-
чи чипор илон экан. Шу-шу бу илоннинг феълини жуда
ўрганиб олдим.

Нақшдор ўрмаловчи чипор илонни республикамиз-
нинг Тўпаланг, Сангардак, ҳамда Амударё, Сирдарё, За-
рафшон водийларида учратиш мумкин. Шунингдек, ши-
молий Эрон ва Кавказдан тортиб Украина гача, Урта
ҳамда Марказий Осиё орқали Хитой ва Узоқ Шарқгача
бу тур кенг тарқалгандир. Бу илон ўрмаловчи ёки чир-
машувчи чипор илонлар оиласига мансуб бўлиб, танаси-
нинг узунлиги бир метргача боради. Усти оч кулранг ёки
оч кулранг-қўнғир. Танаси бўйлаб тўртта қўнғир йўл
кетган бўлиб, улардан иккитаси думигача давом этган.

Бошининг юқори томонида чўзиқ тожга ўхшайдиган
галати нақши бор. Нақшдор ўрмаловчи чипор илон катта
дарёларининг қояларида, төғ этакларида ва тошларда,
бутазор (юлгун, чингил жийда, ёввойи тол), чакалаклар-
да, кўл қирғоқлари, шолипояларининг атрофларида яшаб
ҳаёт кечиради. Бу илон сувда яхши сузади, дарахт ва бу-

таларга чирмасиб чиқа олади. Қаламушларнинг инлари, уом-уом тошлар ораси, қамишзор тўқайлар, тоғларда эса тошлар орасидаги кавакларга ва қоя тошларнинг нураб тушган жойларига кириб жон сақлайди.

Уни қишики карахтлик уйқусидан сўнг февраль ойнинг охирида Термиз атрофидаги Амударё тўқайларидан онда-сонда учратиш мумкин. Март ва апрелда ҳаво температураси $10-12^{\circ}$ бўлганда ҳам илон кун бўйи ўрмалаб юради. Май ойининг охиридан бошлаб фақат эрталаб ва кун ботишига яқин уясидан чиқади. Октябрда Амударё тўқайларидан кун бўйи серҳаракат бўлади. Ноябрда эса фақат куннинг иккинчи ярмида инидан чиқади. Шу ойнинг охирида қишлигани кетади. У асосан кемирувчилар (уй сичқонлари ва кулранг қаламушлар) билан озиқланади. Бу илон онда-сонда саҳро калтакесаклари, чумчуқлар ва парраңдаларнинг тухумини еб қўяди. Баъзан балиқни ҳам тутиб ейди. Кемирувчиларни кўплаб қириб қишлоқ хўжалигига фойда келтиради.

Июль ўрталарида ургочи илонлар 6 тадан 14 тагача, катталиги 38—53 мм. ли тухум қўяди. Тахминан икки ойдан кейин узунлиги 210 мм ча бўлган ёш илонлар пайдо бўлади.

Ўрмаловчи сариқ чипор илон. Бу илон анчагина йирик бўлиб — танасининг узунлиги 1600 мм гача боради. Думи тахминан танасидан 4—5 марта қисқадир. Ўрмаловчи сариқ чипор ёки талха илон республикамизда фақатгина Қорақалпоғистон АССРнинг Устюрт чўлларида учрайди. Бу илондан бир нечтагина топилган, шу туфайли у ҳали яхши ўрганилмаған. Ўрмаловчи сариқ чипор илон, шунингдек Молдавия, Жанубий Украина, Қримда, РСФСРнинг Европа қисмининг жанубида ҳамда Доғистон, Озарбайжон, Шарқий Грузия, Арманистон, шунингдек Фарбий Қозоғистонда ҳам тарқалгандир. Бу жойларда у февраль ва март ойларидан октябргача актив ҳаёт кечиради. У 2500 м баландликда тоғларда ҳам учрайди.

Бу илон турли майда кемирувчилардан тортиб, қуён боласи каби йирик кемирувчиларни, қушларни, уларнинг тухумларини ва калтакесакларни еб тирикчилик қиласи. У қуш уяларини ахтариб дараҳтларга ҳам чиқади. Ургочилари июль-август ўрталарида 6 тадан 16 тагача узунлиги 45—60 мм бўлган тухум қўяди. Қўйган тухумларидан эса сентябрнинг охири ва октябрнинг бошларида ёш илончалар чиқади. У душманга ҳамла қилганда валил-

лаб боши томонини учдан бир қисмини күтариб ташлана-ди. Унинг одам учун ҳеч қандай зарари йўқ.


Бойга илони. Бу илонни Узбекистонда фақатгина Термиз яқинидаги Учқизил ва Қорасув атрофларида жарёқаларида ҳамда гил тупроқли текисликларда учратиш мумкин. Шунингдек бойга илони Ғарби-Жанубий Тожикистон ва Жанубий Туркманистонда, СССРдан ташқари Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда кенг тарқалгандир. Бойга илонининг узунлиги 750—800 мм гача бўлиб, 180—230 миллиметрни дум ташкил қиласи. Бу илон асосан кечаси овга чиқади, кундузи эса яшириниб ётади, шу туфайли унинг ҳаёт тарзи кам ўрганилган. Бойгани булут бўлган вақтларда кундуз кунлари ҳам учратиш мумкин.

Сурхондарё шароитида бу илон февраль ва март ойларида қишки карахтликдан кейин ер юзига чиқади. Бир бойганинг ошқозонидан қора кўзли калтакесакчани топган эдик. Шунга кўра бу илон калтакесак ва шунга ўхшаш жониворлар билан овқатланиши маълум бўлди. У одам учун мутлақо заарсиздир. Бойга илони ўз ғаниматини тишлаб танаси билан ўраб ўлдириб кейин ютади. Уларнинг урғочилари июль-август ўрталарида 3 дан 11 гача, узунлиги 40 мм бўлган тухум қўяди. Тухумидан узунлиги 240—260 мм бўлган илончалар сентябрь охири ва октябрь бошларида чиқади.

Ўқилон. Республикамизнинг қумли ва гил тупроқли саҳролари, тўқайзорлари, жарлик ва адирлар ҳамда тоғ ва тоғ ёнбағирларида жуда хушбичим, кулранг ёки сарғиши илонни кўп кўриш мумкин. Одатда унинг танасининг узунлиги бир метр атрофида бўлиб, йўғонлиги бармоқдай келади. Танасининг устидан думига қараб бир тўғри қора чизик ўтади.

Ўқилон Ўрта Осиё, Қозогистон республикалари, Қавказда ҳамда Афғонистон, Эрон ва Мўғалистонда тарқалгандир.

Харакатлари тез ва шиддатли. Гоҳ қумлар устида сирганиб кетаверади, гоҳ саксовул тупида таёқдай осилиб туради. Бу илон фақат саҳролардагина эмас, чўлда кеми-рувчиларнинг ишида, тоғ этакларида, тошлар орасида ва дарё водийларида, қуруқ жойларда ҳам яшайди. Кундуз куни ҳаёт кечиради. Эрта баҳорда ва кеч кузда уни қуёшда исишиб стганини кўплаб учратиш мумкин. Ёз ойларида эса эрталаб ва кечқурун овга чиқади, ҳаво исиши би-



Үқилон

лан инига кириб кетади, ёки буталарнинг шохларига чиқиб олади, чўнки буталарнинг усти ер юзасига қараганда анча салқинроқ бўлади. Уларнинг танаси узунлиги 850—900 мм.

Үқилон майда калтакесаклар (илдам, тўр-тўр, ола, чизиқли калтакесаклар ҳамда қурбақабош калтакесаклар) билан овқатланади. Бошқа илонлар сингари ўқилон ҳам ўз ўлжасини бутунича ютади. Илон калтакесакни тишлаганича оғзидан чиқармай, бўйма илон каби дарҳол кулча бўлиб ўралиб бўғади. Үқилон майда кемирувчи жониворларни ҳам ейди. У ўз навбатида ўзидан йирикроқ судралиб юрувчиларга (заҳарли илонларга, эчкиэмарга) ва ҳар турли йиртқич қушларга ва сут эмизувчиларга ем бўлади.

Июнь ойларида ургочи илонлар инига 3 тадаи 6 тагача оқ рангли, юмшоқ пардали узунчоқ тухум қўяди. Июль охиirlарида тухумларидан ёш илонлар чиқади. Улар дарҳол мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Кундуз куни ов қи-

либ кечаси инига кириб кетади. Октябрь охири ва ноябрда, салқин тушгач ёш илонлар катта илонлар билан бирга чуқур иннеларга ва ёриқларга қишлиш учун кириб, февралнинг ўрталаригача ётади. Ёки бу даврни қишлиш даври деб аталади, илонлар бу даврда сув ичмайди ва овқат емайди, модда алмашинуви сустлашади.


Қўзойнакли илон ёки кобра. Қоқ туш. Қуёш аёвсиз қиздирмоқда. Фир этган шабада йўқлигидан киши нафас олишга қийналарди.

Биз чўпонлар қушхонасида ўтирадик. Кун бўйи қўйларни қўриқлаб ҳориган Олапар ҳам тилини осилтириб ёнимизда ётарди. Бирдан нарироқдаги соёй ёқасида тинч ётган қўйлар ҳуркиб кетди. Буни сезган ит ўша томон юргурган эди, ўсиқ буталар орасидан чиқиб келаётган баҳайбат илонга кўзи тушиб ҳура бошлади. Илон тилини чиқарган ва пишиллаган ҳолда Олапарга қараб тураверди. Ҳамон ҳураётган Олапарнинг овозидан қўрқинч, тахлика сезилиб туради. Биз воқеани кузатдик. Ит қарийб икки метрли бу баҳайбат илоннинг атрофидан гирдика-палак бўлиб айланар, лекин унга ташланишга юраги дөв бермас эди. Ит сал яқинлашди дегунча, илон тезлик билан ўгирилиб олар ва тик қараган ҳолда олдинга қараб ташланарди. Олапар эса, қўрққанидан орқага тисланарди. Итнинг аянчли товуши ҳали-бери тинадиганга ўхшамасди. Бу мени кўпроқ қизиқтирган кўз ойнакли илон эди. Илонни ушлаш учун шайландим. Тўғрироғи у вақтда бундай ҳодисага биринчи чиқишим бўлганлиги учун бўлса керак айниқса заҳарли илонлардан анча чўчирдим. Илон ҳамон бошини кўтарган ҳолда менга қараб вишилларди. Мен тезлик билан илоннинг орқасига ўтдим ва эпчиллик билан унинг бўйини айри учлик таёфим билан босдим. Бироқ илон қаттиқ тўлғаниб, таёқни уриб юборди-да, қоча бошлади. Мен ҳам бўш келмадим, илонга етиб олиб таёқ билан белидан босдим. Илон эса ўзини ҳар томонга уради.

Мен сал титраган ҳолда, чап қўлим билан таёқни босиб, ўнг қўлим билан илоннинг жагидан маҳкам қисиб ушлаб баланд кўтардимда, белимдаги узун халтачага солиб, тезлик билан халтачанинг оғзини бекитдим...

Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бу шундай бўлган эди...

Боботогнинг Сайхон қишлиғи атрофлари қўзойнакли илонлар кўп учрайдиган жойлардан бири. Бир куни туш



Күз ойшаклы илон (кобра)

вақтида Ю. А. Гагарин номли чорвачилек совхозининг зоотехники мени йўқлаб келиб қолди. У биз турган жойдан 30 км. чамаси узоқликда Боботог яловларида жойлашган бир қудуқда жуда кўп илон борлигини айтиб, мени ўзи билан у ерга боришга ундаи, чунки уч кундан буён чўпонлар илондан қўрққанидан ўша қудуқдан сув тортишини тарк этган эканлар. Натижада қўйлар сувсиз қолган. Биз ўша қудуқдан икки километр нарида жойлашган чўпонлар қушхонасига етиб келганимизда кеч кира бошлиган эди. Эрталаб чўпонлар билан бирга ўша қудуққа бордим. Қудуқ ниҳоятда чуқур (29 метр) ва эски экан. Ўнинг атрофида қўйлар сув ичишига мўлжалланган цемент ҳовуз бўлиб, мен қудуқдан шу ҳовузга сув тортиши илтимос қилдим. Қудуқдан тўлиб чиқаётган қовғани кузатиб турдим. Чунки уларнинг айтишича, илон сув тортиш вақтида кўпинча қовғага илиниб чиқар ва қудуқ оғзига яқинлашганда у ўзини яна орқага ташлаб юборар экан. Бу ҳолатни улар олдин бир неча марта кузатган эканлар. Йкки соатга яқин қудуқ суви тортилди, шу вақт ичиди илон уч марта қовғага илиниб чиқди. Бу қудуқда ҳақиқатан ҳам илон бор эди. Қудуқни ичига кириш учун тайёрланиб иккита фонарни белимга боғлаб, қовғани ичига кириб қудуққа туша бошладим. Қудуқнинг оғзи беш метрлардан кейин кенгайиб ундан кейин бир текисда тик вертикаль ҳолда пастга тушар эди. Баъзи бир жойлари ич томонидан ўпирилиб кетган эди. Мен жуда секинлик билан қудуқ ичига тушиб борар эдим. Ниҳоят қудуқ тагига етишга беш метрча қолганда вишиллаган товуш эшишилди. У акс-садо қайтариб ваҳимали бўлиб туюлди. Мен фонарни ёқиб эҳтиётлик билан қудуқ тагини кузатар эдим. Ниҳоят қовға қудуқ сувига етди. Қовға атрофида сувда айланиб юрган бир

илонга күзим тушди. Уни ушлашдан олдин қудуқ тагини диққат билан кузатдим. Қудуқ таги жуда тор, бир метрлардан сал кенгроқ айланадан иборат экан. Атрофидагеч қандай камар күринмас эди. Чунки чўпонлар қудуқ тагида катта камарлар бўлиб, у ерда жуда кўп илон бор, деган эдилар.

Қудуқ таги ниҳоятда балчиқ экан, сувнинг юзида эса бир қўйнинг чириган танаси ҳам ётар эди. Илонни бошидан карсанги (қайчисимон асбоб) билан секин қисган ҳолда ушлаб олгач, мени тортиб олишларини айтдим. Ниҳоят бир неча бор чақирганимдан кейин қовға юқорига кўтарила бошлади. Қудуқдан чиққан илонни қўйиб юбордим. Илон кўзойнакли илон эди. У жуда ориқлаб қолган экан. Тахмин қилишларича бу илон май ойида бўлган сел вақтида қудуққа тушиб қолган, қўй ҳам эҳтимол ўша вақтларда тушган бўлса керак. Уни чўпонлар ҳам билмайди. Қўзойнакли илон фақат ўша қўй танаси устида жон сақлаб келган. Чунки шундай бўлмаганда бу илон сувда узоқ яшай олмай, ўлиб кетган бўлар эди.

Қўзойнакли илон Сурхондарёда учрайдиган заҳарли илонларнинг энг каттаси ва даҳшатлисиdir. Танасининг боши билан биргаликдаги узунлиги 192 см. га (думи билан) боради. Ранги жуда ҳам ўзгарувчан бўлиб, буғдой рангидан тортиб, кўкимтир-сариқ, тўқ жигар ранг, қўнғир ёки қора бўлиши мумкин. Унинг қорин томони оқ бўлиб, танасининг олдинги қисмида икки-учта кўндаланг қора йўли бор. Ёш кўзойнакли илонларнинг орқасида тана бўйлаб кўндаланг қора йўллар кетган, шу жумладан олдинги қора йўллари танасининг пастки юзасига ҳам ўтади. Ҳиндистон ва жануби-шарқий Осиёда ящайдиган бу илоннинг авлодларида гарданида кўзойнакка ўхшайдиган гули (доғи) бор, шунинг учун ҳам кўзойнакли илон деб аталади. Қўзойнакли илонни Нурота, Зарафшон тоғларида ҳамда Қарши чўлларида учратиш мумкин. Сурхондарёда кўзойнакли илонни Боботоғ, Ҳисор тизмасининг тоғ этаклари ҳамда Кўҳитанг, Бойсун тоғларида учратиш мумкин. Боботоғда Сайхон ва Ҳазратбобо атрофлари унинг энг кўп учрайдиган жойларидир. Қарши чўллари, Зарафшон тизмасининг тоғ этаклари ва Нурота тоғларида кам учрайди. Қўзойнакли илонларнинг шарқда учрайдиган энг сўнгги жойи Ховоғ яқинидаги Жойлангар қишлоғи атрофларидир. Бу илон Тожикистон, Туркманистон-

да ҳамда СССРдан ташқари Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонгача тарқалгандир.

Тоғ ва тоғ ёнбагирлари, сой ва булоқлар атрофи кўзойнакли илонларнинг севимли жойлари ҳисобланади. Айниқса ёз ойларида улар булоқлардан узоқда яшаб, вақт-вақти билан булоққа сув ичгани келиб туради. Уларни бу вақтда ҳатто секин оқадиган сойларда, қамишзор, юлғунзор тошлоқ ва нам ерлардаги тошлар орасида учратиш мумкин.

Қишини кемирувчилар уяси, тошлар орасида ўтказади. Эрта баҳорда — март ойининг охирлари ва апрель ойининг бошларида — ер юзасига чиқади. Бу вақтларда улар фақат куннинг ўрталарида актив ҳаёт кечиради. Май ойида эса улар айниқса эрталаб ва кечки соатларда актив бўлади. Йиён ойида ҳаво исигандага кеч кириши билан ов қилишга чиқади. Сентябрь ва октябрдан бошлаб уни яна куннинг ўрталарида учратиш мумкин. Октябрнинг охирларида эса қишики уйқуга кетади.

Кўзойнакли илон ҳар хил кемирувчилар, ёш тошбақа ва калтакесаклар билан овқатланади. Айрим ҳолларда секин оқувчи дарё ирмоқлари атрофидан қурбақаларни ҳам тутиб ейди.

Урғочи кўзойнакли илонлар июль ойида 10—14 та тухум қўйиб кўпаяди. Тухумининг узунлиги 35—42 мм., кенглиги эса 23—28 мм. бўлади. Тухумдан сентябр ўрталарида узунлиги 40—42 см. бўлган илонлар чиқади.

Тулки ва ҳар турли йиртқич ҳайвонлар кобранинг кушандасидир.

Чўл қора илони. Ўзбекистонда бу илон анча кам тарқалган бўлиб, бу илон яшайдиган жойлар йилдан-йил камайиб бормоқда. У Чирчиқ ва Сирдарё тўқайларида ҳамда Чотқол тизмасининг тармоқлари, Чимён, Паркент, атрофларида ҳам онда-сонда учраб туради. Чўл қора илоннинг узунлиги боши билан биргаликда 550 мм ча келади. Думи калта бўлиб 40—60 мм бўлади. Танасининг усти қўнғир кул ранг. Орқаси бўйлаб эгри қорамтири йўл кетган, бу йўл баъзан бир неча додларга бўлинади. Танасининг икки ёнида унчалик сезилмайдиган қорамтири доғлари бор, шу жойда танасининг четлари оқишидир.

Бу илон дарё водийларида кўп учраб, у ердаги чингил ва шўра ўтлар ҳамда кўл қирғоқлари ва шолипояларда ҳаёт кечиради.


Қишки карахтликдан сүнг март ойида ҳаракатга келди, лекин дастлаб ҳаракати суст бўлади. Кейинчалик ҳавонинг исиши билан әрталаб ва кечаси инидан ташқарига чиқади. Ёз ойларида эса у кўпинча кечаси овга чиқади.

Ҳар турли ҳаша-
ротлар ва айниқса

чиғирткалар билан овқатланади. Ургочи қора илонлар июлда 2 тадан 10 тагача тирик бола туғади. Боласининг узунлиги 100—180 мм бўлади. Чўл қора илонининг чақиши бошқа ҳар қандай заҳарли илонларнинг чақишига қараганда камроқ хавфлидир. Илон чаққан жой оғриб, шишади ва бир неча кундан кейин кўп ҳолларда тузалиб кетади.

Кўлвор илон. Кунларнинг бирида кенг адирдаги бир тут дарахти соясида салқинлаб ўтирадим. Бир вақт ёнимдаги бута қаттиқ шитирлаб кетди. Қарасам, мендан чамаси 2—3 метр нарида катта бир кўлвор илон (уни гюрза ёки чипор илон ҳам деб атайдилар) ётган экан. Унинг ранги сарғишроқ бўлиб, яшайдиган жойига шундай мослашганки, илонни кўрганда ҳам хас-хашаклар ичиди бор-йўқлигини ўзи ҳаракат қилмаса асло билиб бўлмасди. Тўғрисини айтсам, қутим учиб кетди. Үн-ўн беш метр нарида туриб илоннинг қаерга боришини кузата бошладим. У сойга тушиб шўнғиб кетди. Мен яна кузата ва кута бошладим. Бироздан кейин илон сув юзасига чиқди. Мен дарҳол илонни таёқнинг айри уни билан илиб, тошлоққа отдим ва югуриб бориб қалтирай -қалтирай ушладим.

Кўлвор илонни биринчи марта учратишм эди. Иккинчи дуч келишим эса жуда ҳам қизиқ воқеаларга сабаб бўлганди. Кунлардан бирида бизнинг дала экспедициямиз кўлвор илонларга бой бўлган Ҳисор тоғлари оша Сангардак дарёси воҳасида жойлашган Нили қишлоғига келиб тўхтади. Табнат манзараси инҳоятда гўзал. Биз чашма яқинида чодир тикдик. Бироз вақт ўтар-ўтмас



Чўл қора илони

қишлоқ кексалари ва болалар кела бошладилар. Улар билан саломлашиб озроқ ҳордиқ чиқариш учун булоқ бўйига бордик. Булоқда сон-саноқсиз маринка балиқлари сузиб юради. Менинг кимлигимни билгач, улардан бири, сиз илонни қандай қилиб ушлайсиз, ўқибми, деб сўради. Мен, йўқ, тўғридан-тўғри ўқимасдан ушлайвераман, дедим. Мен буни бир кўзойнакли ва икки кўлвор илонни ўқимай ушлаганлигимни айтib исботладим.

Кўлвор илон анчагина йирик бўлиб, узунилиги 1,5 метрдан ортиқроқдир. Йўғонлиги билакдай келади. Думи калта, 20—22 см. дан ошмайди. Танаси усти оч кулранг ёки тўқ кулранг бўлиб, кўкиш сарик ёки жигарраинг тусда товланиб туради. Устида ва икки ёнида доғлари бор. Қорши оч рангда, майда қорамтири доғли ёки доғсиз бўлади.

Кўлвор илон ер юзида жуда кенг тарқалган бўлиб, Шимолий Африка, Марокаш, Арабистон, Эрон, Ўрта Осиё ва Закавказъеда, Афғонистон, Белужистон ва Ҳинлистонинг тоғли районларида айниқса кўпдир. Республикамизда эса бу илон Нурота, Зарабшон тоғ ва тоғ ёнбағирларида учрайди.

Республикамизда бу илонни айниқса ҳамма тоғли районларда, шунингдек Амударё тўқайларида ҳам учратиш мумкин. Амударё тўқайларида, Кўҳитанг тоғларида бу илон кўзойнакли илонга қараганда кўпроқ учрайди. Бу илон қейинги йилларда жуда камайиб кетганлиги сабабли Кўҳитанг ва Нурота тоғларида уларни тартибсиз овлаш вақтинча ман этилган. Кўлвор илон тоғлар, тошларнинг оралари, сой бўйлари, тўқайлар ҳамда кемирувчилярнинг уяларида ҳаёт кечиради. Кўпчилик қишлоқларда ва тоғ этакларида боғларда, булоқлар ёнида ва тоғларнинг ўпирилган жойларида ҳам учраб туради. Қоя тош ёриқларига ва кавакларига кириб ҳам яшайверади.

Кўлвор илонлар қишки карахтиликдан сўнг Амударё тўқайларида март ойида, баланд тоғларда эса фақат апрелда чиқади. Дастлабки кунлари офтобда исиниб ётади. Апрель охiri ва май бошларида кун ботишга яқин инларидан чиқади, кундуз кунлари эса фақат ҳаво булут пайтида кўринади. Улар майнинг охирларидан бошлаб, ёз бўйи қоронғи тушиши билан инидан чиқиб тунда актив ҳаракат қиласи. Амударё тўқайзорларининг ҳатто ёз иссиқ бўлишига қарамай нам ва ҳамиша салқин бўлиши кўлвор илонларга кундуз куни ҳам актив ҳаёт кечиришига имконият беради. Улар бу жойларда ҳам кечаси, ҳам

кундузи актив ҳаракатда бўлиб, ов қиладилар. Илонлар бу жойларда дараҳт устларида ҳам 2—3 кунлаб тунаб қолаверадилар. Овқатни ҳам ердагина эмас, балки дараҳтларга чирмашиб чиқиб ҳам тошиб ейдилар. Бу илон асосан қушлар ва кемирувчилар, баъзан калтакесаклар билан овқатланади. Улар баъзан йирикроқ ҳайвонларни ҳам мазза қилиб ейди. Масалан, бир илоннинг меъдасидан иккита кўк каклик боласи, бошқа бирининг меъдасидан Ҳиндистон каламушй топилган эди.

Урта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида бу илонлар июлда тухум қўйиб урчииди. Тухумнинг узунилиги 41—22 мм. ва кенглиги 22—27 мм. бўлади. Сентябрда тухумдан ёш илонлар чиқади. Уч-тўрт ёшда жинсий жиҳатдан етила бошлайди. Ўлар тутқушиликда бир неча йил яшаши мумкин. Кўлвор илон одамга дуч келганда қимирламай туради. Шундай пайтларда уни кўпинча босиб оладилар (ранги кўпинча яшайдиган жой рангига ўхшаб кетади).

У хавфли илон. Илон чаққан кишига тезлик билан медицина ёрдами берилмаса, ўлиши ҳам мумкин. Илон заҳри қонга, жигарга ва бошқа ички органларга ёмон таъсир этади, баданини жуда шишириб юборади.

Чарх илон. Урта Осиёнинг фақат жанубий районларида, шунингдек, Африка саҳроларида ва Эрондан тортиб Ҳиндистоннинг Ганг дарёси водийсигача бўлган кенг територияда учрайдиган бу илоннинг бўйи боши билан биргаликда узунлиги 80 см. гача, думи эса калта бўлиб 7,5 см гача боради, усти қўнғир кулранг, оч кулранг ёки қум рангиди. Ёнидаги қийшиқ жойлашган тангачалари орқасидаги тангачалардан қорамтироқ бўлади. Икки ёнида эгри оч йўли бўлади. Орқасида кўндалангига оқимтири ёки оқ доғлари бор; булар эгри йўлларнинг учлари орасида бўлади, оч доғлардаги баъзи тангачаларнинг четлари қора-қўнғир ёки қора бўлади.

Сурхондарё водийсининг Термиз ва Қорасув яқинидаги жарларда, Амударё бўйларидаги қумли саҳроларда ҳамда Қарши чўллари ва Қизилқумда бу илонни ким кўрмаган, дейсиз. Жуда кучли овоз чиқариб шағиллайдиган бу илон фақат қум саҳроларида, зеки иморатларнинг кавакларида ҳаёт кечиради. У кун исиши билан Термиз атрофларидаги саҳроларда қишики карахтликдан кейин февраль ва март ойларида пайдо бўлиб, овқат излаб юради. Бу ерларда кўкламда бир кунда 10—12 тагача ва

ундан күпроқ ҳам чарх илон учратиш мумкин. Бу илонни Шўрчи станициясининг атрофлари ва Боботоғ этакларига-ча учратиш мумкин.

Чарх илон лёсс тупроқли ва дарё водийларидағи жар-ликларда, қадимги қишлоқларининг харобаларида ҳаёт кечиради. Баъзан тоғ этакларидаги қуруқ жойларда ҳам учрайди. Куз ойларида эса кўпинча иши олдида ўзини офтобга солиб ётади. Ёзда эса фақат туңда актив ҳаракат қиласди.

Еш чарх илонлар чаёни, чигиртка ва ҳар турли майдада калтакесаклар (плдам калтакесак, юмaloқ бош закаспий калтақесаги, гекконлар) билан, йириклари эса каламуш, қумсичқон, ўқилюплар ва чўл агамалари билан овқатла-ниади. Чарх илон июль охири ва августнинг бошларида З тадан 25 тагача бола туғади. Болаларининг бўйи 17—19 см. бўлади, учинчи ёшга қадам қўйиши билан жинсий жиҳатдан етилади. Чарх илон тутқунликда яхши яшай олмайди.

У чаққанди кишиига қаттиқ таъсири қиласди. Илон чақ-қан кишининг бурни, қулоғидан қон келади, чунки заҳари қонни бузиб юборади. Агар илон чаққан заҳоти чора кўрилмаса, уч кундан кейин одам ҳалок бўлиши мумкин.

Чукурча бош ёки қалқонтумшуқ илон. Республикамиз-нинг баланд тоғларида ва Ўстюртда тарқалган бирдан-бир чинқироқ илондир. Бу оиласа кирувчи илонларнинг кўпчилиги Шимолий ва Марказий Америкада, Жанубий Американинг шимолий районларида ҳаёт кечиради. Бу илон Закавказье республикалари, Эрон, Волга бўйи, Ўрта ва Марказий Осиё, жанубий Сибирь ва Тинч океан қирғоқларигача бўлган територияда яшайди. Ўзбе-кистоннинг бошқа районларида эса қалқонтумшуқ илон Чотқол, Туркистон, Зарабашон ва Фарғона водийси ҳамда Қорақалпоғистон АССРнинг текисликлари, Қизилқум-нинг шимолий қисмлари, Орол денгизи қирғоқларида уч-райди.

Танасининг узунлиги 70 см. га яқин, думи калта, 7—8 см. бўлади. Орқаси ва думида кўндаланг қорамтири доғлари бор. Бу йўлларнинг четлари ўртасига нисбатан қорамтирироқ ёки тим қора бўлиши мумкин. Танасининг ик-кала ёнида майдароқ қорамтири доғлар узунасига қатор бўлиб ётади. Қорни оч ёки қорамтири рангли, майдада қорамтири доғли ёки доғсиз бўлади. Қалқонтумшуқ ҳам за-ҳарли илонлар жумласидандир.

Бу илон Чотқол, Олоӣ, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор төғларининг баланд арчазор зонасида, ҳатто ундан ҳам юқорироқ Альи ўтлоқлари зонасигача (денгиз сатҳидан 3250 метр ва ундан ҳам баландликда) учрайди. Бу жойларда у апрель ва май бошида қишлоғдан чиқади. Дастребаки вақтда улар кемирувчиларниң ишлари олдида ўзини офтобга солиб ётади. Бу ишлар уларниң қишлоғи жойлари ҳисобланади. Иссик күнлар бошланиси билан баланд төғли жойларда улар кун бўйи серҳаракат бўлади. Қалқонтумешуқ илон асосан ҳар турли майда кемирувчилар билан озиқланади, шунингдек калтакесак, парранда ва ҳашаротларни ҳам тутиб сайди. Заҳарли илонлар ичида хавфлиларида бири бўлиб, айниқса чақиб зарар келтиради, одамни кўрганида ўзини панага олишга интилади. Қиши илонни билмасдан босиб олса, чақади.

Сентябрь ойининг бошларида ургочи илон 3 тадан 10 тагача тухум қўяди. Орадан бир неча минут ўтиши билан қўйған тухумлар ёрилиб ичидан болалари чиқади. Болаларининг бўйи 170—190 мм, гача боради. Шундай қилиб биз юқорида айтганимиздек Ўзбекистонда 18 хил илонлар бўлиб, шундан 13 тури заҳарсиз ва фақат 5 туригина заҳарлидир.

ИЛОНЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Ер юзида илонларниң 2700 га яқин тури маълум бўлиб, турли хил номлар билан аталади. Маълумки, биологияда ҳар бир ҳайвон ва ўсимликнинг ўзига хос маҳаллий ва илмий номлари бўлиб илмий номлар асосан латинча аталиб шу тилда ёзилади. Бошқа ҳайвонлар, жумладан, илон номларининг келиб чиқишида ёки ном қўйишда кўпинча яшаш шароитлари, илоннинг ташқи тузилиши, хушбичимлиги, ранги, ҳаракати ва баъзи бир характеристерли белгилари, шунингдек овқат ҳазм қилиши билан боғлиқ бўлган айрим хусусиятлари ва белгилари ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, катта кўзли илон, тухумхўр илон, шохли илон ва ҳоказо. Шу тариқа илонлар туркуми ҳозирча 12 оиласа бўлинган. Бу оиласарниң энг каттаси сувилонсимонлар ва аспидлардир. Шунингдек кўрилонсимонлар, қора илонлар каби ҳар турли оиласарга бўлинади. Бу оиласар уругларга, уруглар эса, турларга бўлинниб ўзига хос номлар билан аталади. Қўйида биз баъзи бир турлар номларининг келиб чиқини устида тўхталамиз.

Кўрилонлар. Бу илонларнинг номи ўз-ўзидаи маълумки улар ер тагида ҳаёт кечиради. Шу туфайли уларнинг кўзлари кичрайиб муртак ҳолда бўлиб қолган. Кўз усти қалқон билан қоплаганилигидан, ҳатто ташқи томондан кўзи мутлақо кўринмайди. Кўз ўрнида билинар-билинмас кичкинагина қора доги бор. Шу белгиларига қараб олимлар бу жониворларга кўрилон деб ном берганлар. Буларни ҳозирги вақтда 5 уруғи бўлиб, ўз ичига 170 тача турни бирлаштириб Ер юзининг кўпгиниң қитъаларида кенг тарқалган 100 мм. дан 900 мм, гача узунилкка эга бўлган заҳарсиз илонлардир. СССРда, жумладан Ўзбекистонда фақат чувалчангисимон кўрилон тури учрайди.

Бўғма илонлар ёки сохта оёқли илонлар. Бўғма илонлар ганиматини танаси билан ҳалқа бўлиб ўралиб бўғиб ўлдиради. Шунинг учун уларга бўғма илонлар деб ном берилган.

Сохта оёқли илон деб аталишига сабаб уларнинг орқа чиқарув тешиги ёнида рудимент ҳолида билинар-билинмас сақланган оёқлар ўрни бор. У одатда кўринмайди ва фақат ўрни билинади. Шу туфайли бу илонга сохта оёқли илон деб ном ҳам берилган. Бундан ташқари сохта оёқли илонларда рудимент ҳолда сақланган учта тоз суяги бўлади.

Бўғма илонлар ўз ганимати олдига секинлик билан яқинлашгандан кейин, у ҳужумга тайёрланиб, танасини ўнгиштириб кулча бўлиб олади. Сўнгра оғзини катта очиан ҳолда ганиматига боши билан ўзини ўқдек ташлайди ва шу онда ўраб олади. Бу воқеа шу қадар тез фурсат ичидан содир бўладики, ҳатто уни диққат билан кузатиб турган одам ҳам пайқамай қолади.

У ганиматини шу қадар маҳкам бўғадики, натижада ҳайвоннинг кўзи косасидан чиқиб, оғзи очилиб, бир нифасда ҳалок бўлади. Шундан сўнг илон ганиматини бўшатиб тили билан пайпаслаб, уни бутунлигicha бош томонидан юта бошлайди. Бўғма илонлар ҳозирги илонларнинг энг каттаси бўлиб, узунлиги 10—11 метрга боради.

Бўғма илонлар оиласига 23 тача уруғга бўлинадиган 60 дан ортиқ илонлар тури киради. СССРда учрайдиган бу оиласига бир уруғи — бўғма илонлар бўлиб, бу уруғга 12 тача тур киради. Бўғма илонларнинг энг кичкина вакиллари ҳисобланган бўғма илончаларнинг бўйи 1 метрдан ошмайди. Шунинг учун ҳам бу уруғга бўғма

илончалар деб ном берилган. Республикаизда уларнинг З вакили, яъни шарқий бўғма илонча, қум бўғма илончаси ва Царевский бўғма илончаси кабилар учрайди.

Айниқса булардан қумда яшайдиган тури, қум бўғма илончасини кўпчилик ҳолларда «икки бошли илон», икки томони билан ҳам юра олади, деб ўйлайдилар. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Ўнинг думи бошқа бўғма илонларники сингари жуда қисқа ва учи тўмтоқдир, думининг учи билан бошининг ўғонлиги деярли бир хил бўлиб, узоқдан думи билан бошини ажратиб бўлмайди. Лекин у ҳақиқий икки бошли илон бўлмайди, фақат бир томонига ҳаракат қўйувчи заҳарсиз илондир. Фаргона водийсида уни кўлвор илон ҳам дейишади.

Сувилонлар. Бу илон баъзи вақтда далаларда сувдан анча узоқ ерларда учраса ҳам, лекин ҳаёти сув билан бевосита боғланган. Шунинг учун унинг яшайдиган ери дарё, кўл, ариқ, шолипоя, ҳовуз, сой каби сув ёқаларида-дир. Мана шу юқорида кўрсатилган хусусиятларига кўра бу илонга сувилон деб ном берилган. Сувилонлар сувилонсимонлар оиласининг бир уруғи 3—4 та кенжা уруғларига бўлинадиган 100 тача турлари бор. Улар Европада, Африка (Мадагаскар оролида йўқ), Осиёда, бир тури Австралияning шимолида, Шимолий ва Марказий Америкада тарқалган, хусусан Жанубий Осиё билан Шимолий Америкада кўп турлари учрайди. СССРда тўртта тури, жумладан, Ўзбекистонда сувилон деган бир тури яшайди. Бу уруғга кирадиган илонларнинг ҳаммаси заҳарсизdir. Сувилонлар фақат тухум қўйиб кўпаяди. Тухумдан тирик бола туғадиганлари йўқ. Улар сувли ерларда яшайдилар. Ганиматларини сувда ва сув атрофидағи қуруқликдан тутадилар. Шунинг билан бирга ганиматини ўлдирмасдан тириклигича ютадилар. Улар асосан балиқ, бақа билан овқатланадилар. Улар сув қирғозларидаги камарларда, тошлар остида, кемирувчилар уясида, катта дарахтларнинг кавакларида, бузилган эски мозорларда якка ҳолда ёки 200—300 тача бўлиб яшаб, ҳар йили кўпинча бир жойда қишилайдилар. Сувилонлар уруғи сув илонсимонлар оиласига мансуб бўлиб, бу оила Ер юзидағи илонларнинг ярмидан кўпроғини ўз ичига бирлаштирувчи илонлар бўлиб, сувилонсимонлар номи билан машҳурдир. Бу группа ёки сувилонсимонлар оиласи эса, чин сувилонлар, сохта сувилонлар каби бир неча кенжা оиласларга бўлиниб, ҳозирги илонларнинг 270 тача уруғга бў-

линиадиган 1500 тача турни ўз ичига оладиган энг катта оиласи.

Номи сувилон бўлса, ҳам, улар ичида қуруқлиқда, дарахтда, сувда ва ер остида яшайдиган турлари бор. Шунинг билан бирга заҳарли ва заҳарсизлари бўлади.

Сувилонсимонлар оиласи ер шарининг Антрактидадан ташқари барча қитъаларида кенг тарқалган. СССРда 13 та уруқса бўлинадиган 35 та тури учрайди. Ўзбекистонда эса б уруғга бўлинадиган 10 тури учрайди. Қуйинда бу илонларнинг республикамиизда учрайдиган баъзи бир уруглари устида тўхтаймиз.

Чипор илонлар. Терисидаги нақшлар бу уруғ илонларнинг асосий белгиларидан бўлганилиги учун уларга ранг ва нақшларига қараб чипор илонлар, деб ном берилган. Бу илонлар аксарият жуда ҳаракатчан, сержаҳл, чақишга ҳамиша шай илонлардир. Баъзи бир чипор илонлар минутига 96 метр тезликда ҳаракат қиласиди. Умуман илонлар ичида энг чаққонидир. Улар аслида қуруқликда яшовчи жониворлар бўлиб, ингичка гавдаси, узун думи, чўзилган боши танасидан яққол акралиб туради.

Чипор илонлар ер юзида кенг тарқалган илонлар бўлиб, улар эволюцион тараққиёти давомида ерда тез ҳаракат қилишга мослашгандир. Осиё, Шимолий Африка, Европа, ҳамда Шимолий ва Марказий Америкада кенг тарқалган. Чипор илонларнинг 30 дан ортиқ тури бўлиб, шундан 8 тури СССРда учрайди. Бундан 4 тури Ўзбекистонда тарқалган. Бу уруғнинг баъзи бир машҳур вакиллари ранг-баранг чипор илон (арвоҳ илон), кўндаланг йўлли чипор илон, қизил чипор илон ва ҳолдор чипор илон каби турлари республикамиизда учрайди. Чипор илонлар ўз навбатида иккита уруғга бўлинади: ҳақиқий чипор илонлар ҳамда ўрмаловчи чипор илонлар. Иккала уруғга киравчи чипор илонлар ҳам заҳарсиздир.

Ўрмаловчи чипор илонлар. Бу илонлар чипор илонларга жуда яқин бўлиб, ўз ичига 40 дан ортиқ турни бирлаштиради. СССРда 10 тури машҳурдир. Ўрмаловчи чипор илонлар ҳақиқий чипор илонлардан асосан тиш тузилиши ҳамда яшаш шароитлари билан кескин фарқ қиласиди. Агар чипор илонлар саҳро ва қуруқ очиқ жойларни кўпроқ хуш кўрса, бу илонлар эса, қуруқликка нисбатан нам ўрмон ва дарё водийларига анча мослашгандирлар.

Уларнинг баъзи вакиллари дарахтларда яшаб, қуш-

ларнинг тухумларини еб овқатланишга мослашувчи белгиларига эгадирлар. Улар тухум қўйиб кўпаяди.

Бу уруғ вакилларидан 2 тури: ўрмаловчи сариқ чипор илон ёки талха илон ҳамда нақшдор ўрмаловчи чипор илон деган иккита тури республикамизда учрайди.

Бўритиш илонлар. Уларнинг устки ва пастки жағларининг олдинги қисмида бир неча (3—7 дона) эгри, катта қозиқ тишлари бор. Бу тишлар билан бошқа майдада тишларининг ораси бирмунча очиқ. Шунинг учун буларга бўритиш илон деб ном берилган. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистонда учрайдиган кўндаланг йўлли бўритиш илон Ҳиндистон, Шри Ланка (Цейлон) ва Эронда кенг тарқалган. Бўритиш илонлар уруғи ўз ичига 16 турни бирлаштириб, уларнинг ҳаммаси Жанубий Осиёда тарқалгаидир. Бизда учрайдиган кўндаланг йўлли бўритиш илон саҳро ва чала саҳроларда яшаб, кечаси актив ҳаракатда бўлади. Қуандуз куни тошлар остида камар ва кавакларга кириб ётади. Бўйи 30—40 см. дан ошмайди.

Ўқилонлар ёки қумилонлар. Бу илонларнинг гавдаси ингичка, бўйи узун ва боши кичкинадир. У бошқа илонларга ўхшаш қоринин ерга тегизиб судралиб юрмасдан, балки ердан кўтарилиб буралиб юради. Уларнинг бу хилда ҳаракат қилиншга мослашиши ёзда қумнинг устки қисми кундузи 60—65°C га қадар исиганда ҳам бемалол иссиқ қум устида ҳаракат этиб юришига имконият беради, чунки гавданинг фақат бир қисми ерга текканлигидан қумнинг ҳарорати таъсир этмайди.

Ўқилон ўзини душмандан жуда эҳтиёт қиласи. Бирор шарпа сезилиб қолса қочишига ёки буталар орасига яширининишига ҳаракат қиласи. Унинг ҳаракати шу қадар тезки, кўпинча уни одам қувиб ета олмайди. Шунинг учун унга ўқилон деб ном берилган. Ўқилоннинг ҳаракатчанлиги, бир жойда қимирламасдан, жим писиб ётиши, рангининг яшаш муҳитига, яъни қумга мослиги душмандан ўзини муҳофаза этиш белгисидир.

Ўқилонлар уруғи 15 га яқин турни ўз ичига олиб, Африка, жанубий, гарби-жанубий Ўрта Осиёда кенг тарқалгандир. СССРда иккита, Ўзбекистонда эса бир ўқилон тури кенг тарқалган бўлиб, республикамизнинг саҳро ва ярим саҳроли зоналарида, дарё водийларида учрайди. У айниқса саксовул ёки қандим шоҳлари орасида қимирламасдан ётса, пайқаш қийин. Ўқ илон хусусан, ўсимликлар шохида юришига жуда моҳирдир.

Қўзойнакли илонлар ёки кобралар. Бу илонларнинг шунингдек яна бир неча хилда юритиладиган номлари маълум. Чунончи, телпакли илонлар, қошибош илонлар ва ҳоказо. Қўзойнакли деб аталишига сабаб бу илонлар уруғининг энг машҳур тури Ҳиндистон кобраси ёки қўзойнакли илон бўйининг орқа томонида қўзойнакка ўхаш белги бор. Бу белги айниқса танасининг олдинги учидан бир қисмини юқорига кўтариб ҳужумга тайёрланган вақтда яхши кўринади. Бу вақтда бўйин териси кенгайиб, торайиб туради. Айниқса кенгайгандаги қўзойнаги яхши билинади. Бизда яшайдиган кобрада эса бу белги йўқ. Илонларга кобра номи португаллар томонидан берилган. Португаллар Шри Ланкадан топилган бир илонни «Кобра де копелло», яъни «телпакли илон» деб атаганлар. Сўнгра бу илоннинг Африкада учрайдиган қариндошларини ҳам шу ном билан атаганлар, кейинчалик уни қисқа қилиб кобра деб атайди.

Улар учун янги исм ўйлаб чиқаришнинг ҳожати йўқ эди, чунки Африкадаги кўп илонлар, хусусан, Шимолий ва Шарқий Африкада тарқалган илон турлари қадимги мисрликлар тарихидан маълум эди. Кобра илон газабланганида гавдасининг олдинги қисмини кеккайиб юқорига кўтариб, бўйин томонидаги саккизта олдинги қобир-ғаларининг пастки учини икки томонга ёйиб юбориши орқасида бўйини шишириб душманига хурпаяди. Бу ҳолатда худди бошига телпак кийганга ёки қалқон тутганга ўхшаб қолади. Шунинг учун португаллар бу илонларга «телпакли илонлар» деб ном берганлар. Асли уларни қалқонли илонлар, деб айтилса жуда мос келар эди.

Кобралар уруғининг 12 та тури бор. Улар жанубий Осиё ва Африкада тарқалган. Бизда бу уруғнинг бир вакили—Ўрта Осиё кобраси ёки қўзойнакли илон учрайди. Ўрта Осиё кобраси Ҳиндистонда кенг тарқалган ва заҳари ўткир қўзойнакли илоннинг энг яқин қариндошидир. Ундан фақат бўйнида қўзойнак расми бўлмаслиги, қорин қалқонларининг 195—213 дона ва дум ости қалқонларининг 62—75 жуфт бўлиб, ҳамма кенжак турлариникидан кўп бўлиши ва бошқа баъзи бир белгилари билан фарқ қиласди, холос.

Кобралар уруги аспидлар оиласига мансубдир. Аспидлар ёки заҳарли сувилоилар ўз навбатида 34 уруг ва 192 турдан иборат бўлиб, тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган. Кўп турлари Африка, Австралия ва

тәйди. Шимолий Африка билан тро-
н учрайди. Европада аспидлар-
үк.
лар). Қора илонлар Европа,
Африкада тарқалған. Бирок
илюстрированный Африкада тарқалған. Бирок
илюнларнинг турлари кўп, ўзлари ҳам Аф-
рикада.

Қора илонлар уруғидан ҳозирги вақтда 11 тури маъ-
лум. Улар унчалик катта бўлмасдан 50 см. дан 1,5 метр-
гача узунликка эга бўлади. Қора илонлар уруғи қора
илонсимонлар оиласига мансуб бўлиб, бу оила ўз ичига
10 уруг ва 65 турии бирлаштиради. Қора илонсимонлар
оиласининг заҳар ажратадиган органлари аспидларни-
кига нисбатан яхши ривожланган.

Улар чинқироқ илонлардан кўз билаи бурун тешикла-
ри орасида маҳсус чуқурчаларининг бўлмаслиги билан
фарқ қиласди, — холос. Қора илонсимонларнинг гавдаси
йўғон, боши кўпинча учбурчак шаклида ва ясси думи
қисқа, баъзиларида гажак бўлади. Қора илонлар тунда
ҳаёт кечиргани учун кўз қорачиқлари вертикалдир.

Қора илонларнинг кўплари ерда, айримлари дараҳтда
яшайди. Ҳаракатлари суст ва секин. Душманига ҳужум
қилишда эса дарҳол кулча бўлиб, ичига ҳаво тортиб, ви-
шиллаб туриб ўзини душманга чақмоқдек ташлаб уни
чақади. Қора илонлар майда умуртқалилар, ҳашаротлар
билан овқатланадилар. Улжасини чақиб заҳарлайди, ле-
кин узоқ тишлаб турмайди. Ганимати узоқ кетишга
улгурмасдан яқин ўртада йиқилади. Уни илон ҳидлов ор-
гани, жумладан Якобсон органи ёрдамида топиб олади.
Бу орган айниқса тунда ҳаёт кечирадиган турлар учун
катта аҳамиятга эга. Қора илонлар аксарият тухумдан
тирик бола туғади, яъни қўйган тухумидан шу онда бола
очиб чиқади, баъзи бир турларигина тухум қўяди. Қора
илонлар уруғининг Ўзбекистонда учрайдиган З вакили,
чўл қора илони, кўлвор илон (гюргаз) ва ҷарх илон (эфа)
лардир.

Кўлвор илон ёки гюргаз. Қавказ ва Ўрта Осиё ҳалқла-
рида бир қанча маҳаллий номлар билан бир қаторда
гюргаз деган ном ҳам машҳурдир.

Яқин Шарқ мамлакатларида уни шарқ ёки ливант
илони деб юритилади. Умуман бу тур номи — Лебетина
(латинча — гүристон) номи билан юритилади. Гюргаз
гавдасининг оғир ва қўпол бўлишига қарамай овқат ахта-

риб күпинча дарахтларга чиқади. СССРда учрайдиган гөрзанинг иккита кенжек турған бор. Бири Қавказда, иккінчеси бизлинг республикамызда учрайдиди. Бу кенжек турғынның түлгій түлдә Түрөн гөрзаси деб юритилади.

Чарх илон ёки эфа. Чарх илоннинг ён томонида 4—5 қатар майды ва ингичка тангачалар бўлиб, бу тангача пастга қараб жойлашган ва тишиимон бўртмачалардан иборатdir. Чарх илон буралиб юрганда шу тангачалар бир-бирига суркалиб ўтади, шунда ғалати товуш чиқаради. Бундай хусусият шохли қора илонларга ҳам хосдир. Чарх илоннинг бошида чархсизмон расм бўлиб учайдиган қушга ўхшайди. Шу туфайли бу илонни соҳроларда, айниқса кечаси, бошқа илондан бемалол ажратиш мумкин. Кундуз кунлари эса уни ўзига хос изидан ҳам тезгина тошиш мумкин. Чарх илоннинг боши ҳамма вақт душманга қаратилган, бирор предмет унга тегса жуда тезлик билан ўнга ташланади. Шу туфайли бўлса керак чарх илонлар яшайдиган мамлакатлардаги халқлар ундан жуда қўрқишишади. Чарх илон заҳари ўткир бўлиб ундан күпинча одамлар ва қишлоқ ҳўяжалик ҳайвоилари зарарланади. Айниқса Ҳиндистон ва жануби-ғарбий Осиё халқлари бу илон чақишидан кўп зарар кўрадилар.

Чинқироқ илонлар. Шақилдоқ илонлар ёки чуқурча бошли илонлар. Шақилдоқ илонлар қора илонсизмонлар биласига жуда яқин бўлганлигидан бир вақтлари уларни қора илонсизмонларнинг кенжек оиласига киритилар эди. Лекин улар тумшуғининг иккиси томонида бурун тешиги билан кўзи орасида чуқурча ёки баъзи бир уруғларининг думи учидаги «шақилдоқ», «тартарак» бўлганлиги учун бу группа илонлар «чуқурча бошли» илонлар ёки «шақилдоқ илонлар» деган алоҳида ном билан ажратилган. Думининг учидаги шақилдоғи пўст ташлагандаги бир-бира ичиға ўринашган, кўриниши ўзгарган конуссимон тери қопқончаларидан иборат. Шақилдоғи бир неча звенолардан ташкил топган. Янги туғилган боласининг думи учидаги фақат битта звено бўлиб, йил сайин звеноларининг сони 3—4 тадаи ошиб турайди. Кўпинча шақилдоғи 5—9 звенолик кичик турлари учрайдиди. Шақилдоғи 13—14 звенолик баъзи турлари камдан-кам учрайдиди. Илон газабланиб думини тез-тез силкитганда шақилдоғидаги қалпоқчалар бир-бirlарига ишқаланиб чарх илонларини сингари шақиллаган ёки тариллаган товуш чиқаради. Баъзан ҳаракати жуда зўрайиб кетса у чинқириққа айланиб кетади.

Шу туфайли бўлса керак бу илонлар чинқироқ илонлар деб ҳам юритилади. Бу илон шақилдоқларининг экологик аҳамияти тўғрисида жуда кўп мулоҳазалар бўлган, лекин бу ҳақда қатъий бир холосага келингган эмас.

Ўтказилган экспериментларга қараганда битта шақилдоқ илон чиқарган товушни бошқа бир шақилдоқ илон эшийтмайди. Мутахассисларининг фикрича, шақилдоқ илонларининг қадимги аждодларида тараққий топган бу мосланиш, бизон каби катта сут эмизувларни огоҳлантириши учун бўлса керак, деб фараз этадилар. Илон думининг тебраниш суръати ташки мұхит температурасига боғлиқ. Шунингдек бионик текширишлар шуни кўрсатадики, бу илонларининг чуқурчаси ташки мұхит температуррасининг ўзгаришини билдирад экан. Шақилдоқ илонлар оиласининг СССРда шарқий бўш илон ҳамда Палласов бўш илони деган иккита тури ва уларниң бир неча кенижа турлари учрайди. Узбекистонда фақат Палласов бўш илони деган битта тури учрайди.

Бу иккита чуқурчаларининг роли кўп вақтларгача маълум эмасди. Асримизнинг ўттизинчи йилларида олиб борилган тадқиқотлар бу органлар термолокатор вазифасини бажаришлиги аниқланди. Термолокаторларининг тузилиши жуда мураккаб. Кўринишда битта кенг чуқурча кўринса ҳам унинг орқасида тери остида кичкинароқ иккинчи чуқурча ҳам бўлиб, булар бир-биридан юпқа сезиш мемранаси билан ажралган экан. Бу органлар ёрдамида илон тунги вақтларда овқат топиш учун фойдаланади. Ганиматини қоронғида чақиб қўйиб юборади, кейинчалик унинг ўлигини термолокацияси ёрдамида топади. Илондаги бу локаторлар ташки температура $0,2^{\circ}$ гача ўзгарса ҳам сеза олади. Илоннинг кўзини бекитиб қўйиб юборгандга илон фақат шу локаторлари ёрдамида бошқа органлар ишини бажаролган.

ЗАҲАРЛИ ИЛОНЛАРНИНГ ЗАҲАРСИЗ ИЛОНЛАРДАН ФАРҚИ

Заҳарли илонларининг заҳарсиз илонлардан фарқи нимада? Заҳарли илонларининг, айниқса қораилонларининг бошлари учбурчак шаклда ва думлари калта бўлади. Энг асосий мұхим белгиси тезда кўзга ташланадиган юқори жагиди бир жуфт заҳарли йирик тинилари бўлади. Ҳаракати суст, душманидан қўрқадиган жойи йўқ, чунки за-

ҳары энг яқин ҳимоячи. Ўлжаларини тунда излаб, кундузи тош ораларида, дараҳт шохлари, ҳар турли кеми-рувчиларнинг уялари, соя жойларда ётадилар. Кўзлари ҳам заҳарсиз илонларнинг кўзларидан кескин фарқ қилиб, қўрқинчли кўринади. Ўз ғаниматини заҳар сочиб ўлдириб, кейин ютади.

Заҳарсиз илонларда бу хусусиятларнинг аксарият кўплари бўлмай, уларнинг думлари узуи, ҳаракатлари жуда ҳам чаққон. Заҳарсиз илонларни ушлаш заҳарли илонларни ушлашдан кўра қийинроқ бўлиб, чаққонликни талаб қиласди. Чунки заҳарсиз илонлар ўз душманларидан фақатгина қочиб қутилиши мумкин. Аксарият заҳарсиз илонлар ингичка, ихчам бўлиб, кундуз кунлари ҳаёт кечиришга мослашган. Жағларида майдага тишчалар бўлиб, улар ғаниматини тутгандага ушлаб туриш учун хизмат қиласди. Заҳарсиз илонлар ўз ўлжаларини танаси билан бўғиб ўлдирадилар.

Кундузи яхши кўрадиган илонларнинг аксарияти заҳарсиз бўлиб, кечаси яхши кўрмайди, ўз ўлжасини кўпинча ёруғ вақтда тутиб ейди, кўзи даҳшатли эмас. Демак, илонларнинг кўзи уларнинг заҳарли ёки заҳарсизлигини билдиришда энг муҳим белгиларданadir.

Эрта баҳорда ҳаво исиши билан Ўзбекистоннинг дашт ва биёбонларида, тўқай ҳамда саҳроларида ҳар турли илонларни ким учратмайди, дейсиз. Кўп кишилар илонларнинг ҳаммасини заҳарли деб гумон қиласдилаr ва уларга ҳадиксираб қарайдилар. Илонлар ҳаракат қилаётгандага айри тилини чиқариб юради. Буни кўрган кишилар — «Ана, илон заҳар сочмоқчи», деб уни ўлдиришга ҳаракат қиласдилаr. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Илон тили билан атрофни сезади ва ёнида нималар турганлигини (қаттиқ ёки юмшоқ эканлигини) фақат тили орқалигина билади. Тил илоннинг илгарига интилишга ёрдам берадиган энг муҳим аъзодир.

Агар илон тили орқали атрофни сезиб кўрмаса, у ўриидан жилолмайди. Шунинг учун ҳам унинг тили ҳамма вақт ҳар томонга қараб ҳаракат қилиб туради, фақат дам олган ва ухлаган пайтидагина тилини чиқармайди. Бу вақтда уни бемалол, қўрқмасдан ҳеч нарсасиз бўйнидан ушлаб олиш мумкин.

Демак, илонларнинг тили уларнинг атроф-муҳитни сезишга имкон берадиган ва шу тариқа хавфсизликни таъминлайдиган ўзига хос «компас»дир.

Уларнинг кўзи-чи?

Дарҳақиқат, юқоридаги фикрлардан илонларнинг кўзи кўрмайдими, деган савол туғилади. Илонларнинг кўзи яхши кўради, бироқ сеза олмайди, атрофни белгилашга ёрдам бера олмайди, у фақат кўриш учун, аниқроғи, қимирлаган, ҳаракатдаги нарсани кўриш учун хизмат қиласди, холос.

Илон кўзи билан кўрган нарсасининг нима эканлигини тили ёрдамга келмагунча билолмайди.

Халқ ўртасида илон сув ичмайди, деган гаплар ҳам бор. Бу хато фикр бўлиб, аслида ҳамма илонлар ҳам сув ичади, лекин айрим илонлар, масалан, саҳро илонлари камроқ сув ичишга мослашган (улар ейдиган овқати таркибидағи сув билан қаноатланади). Барча илонлар, ҳатто, саҳро илонлари ҳам сувда яхши сузади.

Турли-туман илонлар ҳар хил ҳайвонлар, моллюска ва ҳашаротлардан тортиб то балиқ, парранда, кемирузчи ва бир қанча майдо сут эмизувчилар билан овқатланади. Аксарият, илонлар тирик ҳайвоиларни ов қиласди. Фақатгина бир неча турга мансуб илонлар ўлимтикларни ҳам ейишдан қайтмайди. Ҳамма илонлар ўз ғаниматини бутунилигича ютади. Чунончи, катта илонлар каттароқ ҳайвонларни, кичиклари эса кичикроқ ҳайвонларни ютади. Еш илонлар ҳам ўсаборган сари овқати ҳам ўзгариб туради. Улар биринчи вақтларда майдо умуртқасиз ҳайвонларни истеъмол қиласа, кейинчалик умуртқалилар билан озиқланадиган бўлади. Фақат бир неча майдо илонлар авлодлари ўзлари кичик бўлганликлари учунгина бутун ҳаёти давомида ҳам умуртқасиз ҳайвонлар, жумладан ҳашаротлар ва ҳар турличувалчанглар билан овқатланади.

Баъзи илонлар фақат бир хил овқатга мослашганликлари учун уларга мосланиш белгилари эволюцион тараққиёт давомида пайдо бўлган. Масалан, Африка тухумхўр илони қуш тухумини ейишга мослашганлиги учун оғзидағи тишлари камайиб, майдо ва ўтмас бўлиб қолған. Унинг ўрнида умуртқасида тухумни сиидирувчи ўткир «тиш араси» пайдо бўлган.

Илонларнинг оғзи ва танаси кенгайишга шундай мослашганки, у ўзидаи 2—3 марта катта бўлган ғаниматни ҳам ютишига мослашган. Лекин бундай мослашиш ҳам ҳамма илонларга хос эмас. Бу мослашишининг ҳам маъ-

лум чегараси бор. Масалан, 10 метрли бўғма илонлар от ёки сингари ҳайвонларни юта олмайди.

Илонлар ўлжасини ҳар хил йўллар билан ютадилар. Агар фанимат кичикроқ бўлиб, жиддий қаршилик кўрсатмаса, тириклигича ютиб юборади. Катта ва кучли ҳайвонларни илонлар (асосан бўғма илонлар ва сувилонсимонлар) аввал бўғиб ўлдиради. Фаниматни ўлдиришининг энг осон йўли чақиш. Бу икки хил бўлади. Баъзи заҳарли илонларда заҳар тишлари оғзининг пешкасида жойлашган. Бундай илонлар ўз ганиматларини фақат маҳкам қисиб туриб, чақадилар. Буният учун илон ўз ўлжасини маълум давргача, яъни заҳар таъсир қилгунча оғизларида ушлаб турадилар. Иккими групна илонларда эса заҳар тишлари оғзининг олдинги қисмида жойлашган бўлиб, бундай илонлар ўз ўлжасини жуда тезлик билан чақиб қўйиб юборади. Уни заҳар таъсир қилиб ўлгандан кейингиниа ютадилар. Тажрибаларниң кўрсатишича заҳар билан ўлган ҳайвон бўғиб ўлдирилган фаниматга нисбатан тезроқ ҳазм бўлар экан. Аниқроғи, заҳар овқатни ҳазм қилишда у ёки бу илон учун катта роль ўйнайди.

АФСОНАМИ Е ҲАҚИҚАТ?


Шарқ халқлари ўртасида илон ўргатувчилар ёки морбозлар номи қадимдан маълум. Шу туфайли бўлса керак, шарқда «Морбозники мордан, дорбозники дордан» деган мақол бор. Бу халқлар орасида бундай морбозларниң бўлишига сабаб — бу мамлакатларда ҳар турли илонларниң кўп бўлишидир. Бу жиҳатдан айниқса Хиндистон машҳурдир. У ерда илон билан ҳар турли ўйин кўрсатувчи морбозларни мамлакатниң кўп жойларида — шаҳарларда ва одамлар гавжум жойларда учратиш мумкин. Кўпгина шарқ халқлари сингари бизнининг Ўрта Осиё халқларига ҳам морбозлик анча таниш.

Баъзи кишилар фикрича, илон ўргатувчилар, яъни морбозлар илонлар сирини билади, шу туфайли унга ўрганади, ҳар қандай одам ҳам уни ўргата олмайди, деб ўйлайдилар. Шунингдек, илонлар музикага ҳам ўрганади, деган гаплар ҳам бор.

Ҳақиқатан ҳам илон музикага мос рақсга тушадими? Бу айниқса Хиндистонда айрим қабилалар учун одат тусига кириб қолган ва узоқ ўтминидаи ўзларига касб қилиб келадилар. Морбозлар ўз хунарларини асосан

кўзойнакли илонлар билан ўтказадилар. Чунки кўзойнакли илон заҳарли бўлишига қарамай, камдан-кам чақади. Унинг ана шу хусусиятидан фойдаланаадилар. Шу туфайли бўлса керак, Ҳиндистонда заҳарли илонлардан энг машҳури кўзойнакли илон тўғрисида ҳар турли афсона ва ривоятлар мавжуд.

Морбозлар ўzlари билан саватларга солиб 1—2 кўзойнакли илон билан музика асбобини олиб юрадилар. Морбоз ўйин кўрсатиладиган вақтда сават оғзини очганда, илон унинг ичидан бошини кўтариб тураверади Кейин морбоз кўй чалиб ўзи унинг оҳангига бошини у то-



Ҳиндистон кўзойнакли илонни

мондан бу томонга тебратиб туради. Илоннинг эшитиш органи заиф. Лекин илон ҳам воқеанинг бир меъёрда узоқ давом этишидан одам сингари бошини чайқайди. Томошабиниларга эса бу илон кўй оҳангига остида «рақсга» тушётгандек бўлиб туюлади.


Тажрибали морбозлар томоша кўрсатаётган вақтда илонга аста яқинлашиб илоннинг тумшуғидан ўпиб ола-

ди. Баъзи бир тажрибаси кам морбозлар ўзларига ишонмай кўзойнакли илоннинг заҳарли тишларини синдириб олишади. Бунда уларнинг кўрсатувлари яхши натижаларга олиб келмайди, чунки биринчидан, синган тишларининг ўрнида заҳар бўлади, у қўл ёки бошқа жароҳатланган жойга тегиши билан заҳарлайди. Иккинчидан, синдирилган тишлар ўрнида тезлик билан ёрдамчи заҳарли тишлар ўсиб чиқади. Кўпгина ҳолларда бу хил усулдаги морбозларнинг ўзларини ҳам илон чақиб ўлдидиради. Улар томоша кўрсатадиган вақтларида илоннинг тиши синдирилганилигини кўрсатмасликка ҳаракат қилалилар.

Шунинг учун тажрибали, номи кетган морбозлар илоннинг тишини синдиримай жуда секин ва усталик билан, алдаш эмас балки ҳар бир илоннинг хулқ-авторига қараб ҳаракат қиласидилар. Бу жиҳатидан кўзойнакли илон умуман бошқа илонларга нисбатан юқорида айтганимиздек энг яхши ва жуда камдан-кам, ҳатто чақиш учун ташланган вақтда ҳам ўз душманига у оғзини очмай «дўқ» қиласиди. Бундай ҳолатда секинлик ва аниқлик билан ҳаракат қиласидан морбоз кўзойнакли илон билан томошибинларга кўпдан-кўп номерларни муваффақиятли равишда кўрсатиши мумкин.

Илонни ўқиши мумкинми? Илон ўргатувчиларни фақатгина Ҳиндистонда эмас, балки бир қанча шарқ мамлакатларида—Эрон, Афғонистон ва Шри Ланкада ҳам учратиш мумкин. Уларнинг баъзилари саватга солинган кўзойнакли илон билан мангустани (мушукка ўхшаш кичкинагина сут эмизуви йиртқич ҳайвон) олиб юрадилар Мангуста фақат заҳарли илон, қурбақа ва қушлар билан овқатланади. Мангуста заҳарли илонларнинг ашаддий душмани бўлиб, у ҳар қандай илонни ҳам жуда тезлик билан бошини узиб олади. Бундай қизиқ воқеаларни кимлар қизиқиб томоша қиласиди дейсиз.

Халқ орасида илон чаққан кишини ҳамда илонларнинг ўзини ҳам «ўқийдиган» афсунгарлар борлиги ҳақида кўплаб эшитиш мумкин. Шундай афсунгарлардан бирининг ҳикоя қилишича, у илонни «ўқиганда» илон унинг олдига ўзи келар эмиш. Бунда афсунгар ўтирган жойдан салгина нарида учта чизиқ чизилган бўлар, илон шу чизиқларнинг биринчи ва иккинчисидан ўтиб учинчисидан ўта олмай ўлар эмиш. «Ўқилган» илон ҳар қандай заҳарли бўлмасин чақа олмайдиган бўлиб қолар экан.



Мангуста ва Хиндистон кўзойнакли илони

Мен ўша афсунгарга 7 та заҳарли илоним борлигини айтиб, уни чақаолмайдиган қилиб беришини сўраганимда у рози бўлди. Шундан сўнг мен халтадаги илонларни келтириб унинг олдига қўйдим. Афсунгар илонларни ўқишга тушди. Тахминан икки соатлар чамаси «ўқигандан» кейин имом менга халта оғзини ечиб қарашимни сўради. Мен эса халта оғзини очиб чарх илонидан бирини олиб унинг олдига ташладим. Илон эса вишиллаб, ҳамла қилган ҳолда шайланиб турарди. Афсунгар «Бу илон ёмон илонга ўхшайди халтага солинг, яна ўқиймиз» деди. Вақт анча кеч бўлиб қолганда у менга, энди аzonда ўқиймиз, бу илонлар ёмонга ўхшайди. Балки аzon товушини эшитса оғзи очилмайдиган бўлиб қолар,— деди. Мен рози бўлдим. Бу воқеани қишлоқ аҳли кузатиб турар эди. Эрталаб кеч турибман. Қуёш кўтарилиб кетибди. Уй эгасидан афсунгарни сўрагандим, унинг қочиб кетгани маълум бўлди. Эртаси куни қишлоқ ҳалқи ўртасида, кеча келган илончи афсунгарни қочириб юборибди, деган шов-шув гаплар тарқалди.

Илонни ҳақиқатан ҳам ўқиб бўладими, бунинг сирни нимада, деган савол туғилиши табиий. Илонни «ўқувчи»-

ларнинг ҳеч қандай «сири» йўқ. «Сир» шундаки, улар айрим заҳарсиз илонларни заҳарлиларидан фарқ қила биладилар. Агар бирор кишини заҳарсиз илон чақса улар илоннинг белгиларини сўраш вақтида унинг заҳарсиз эканлигини билиб олиб, шунга қараб иш тутадилар. Агар заҳарли илон чаққан бўлса улар, менинг кучим етмайди, унга кучли дам солиш керак, деган баҳоналар билан ўзларини қуруққа оладилар. Илонни «ўқиб» чақмайдиган қилиш тўғрисидаги ёки заҳарли илон чаққан кишини афсунгарга ўқитиш бутунлай ўринисиз ва зарарлидир. Бундай воқеалар содир бўлгандага фақатгина врач ёрдамига таяниш керак.

Илонларнинг қишки уйқуси ҳақида ҳам кўплаб ривоятлар бор. Уларнинг баъзилари илонлар қиши пайтида сув тагида, кавакларда яшайди деса, бошқалари, илонлар қиши давомида қирилиб битади, акс ҳолда ер юзини илон босиб кетарди, деган фикрда. Илонлар ҳаётига доир бундай афсоналарни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, илонлар қишида қандай ҳаёт кечиради, бу ҳақда мутахассисларнинг фикри қандай? Ҳамма гап шундаки, илонлар ҳаёти илмий жиҳатдан хийла мукаммал ўрганилган.

Илонлар ҳам ҳайвонот оламидаги бошқа жониворлар каби яашаш учун курашади, бинобарин, вақт-вақти билан ухлайди. Аммо илонларнинг бошқа жониворлардан фарқи шундаки, улар асосан ёз ойларида ухлайди. Чунки бу даврларда илонлар актив ҳаёт кечиради. Уйқуни ҳам кўпроқ шу даврда олади. Улар овга салқин вақтларда кундузи, иссиқ пайтларда кечаси чиқади. Овдан сўнг тошлилар остига ёки буталар орасидаги соя-салқин жойларга кириб ухлайди.

Илонлар бундай вақтларда 2—3 кунлаб ҳам ухлайди. Уларнинг овқати ҳам ухлаган вақтда ҳазм бўлади.

Илонларнинг қишки уйқуси эса ёздагига мутлақо ўхшамайди, аниқроғи, улар қишида ростмана ухламайди, балки караҳт бўлиб ётади.

Илонларнинг қишки уйқусини қандай изоҳлаш керак? Илонлар сувда ва қуруқликда яшовчи жониворлар сингари совуққонлилар группасига киради. Илонларнинг совуққонли деб аталишига сабаб, уларнинг таис температураси доним ўзгариб туришидир. Аниқроғи, илонларнинг ҳаракати ташки муҳит температурасига узвий равишда боғлиқ бўлиб, ҳарорат қанча юқори бўлса, улар ўзини

шунча яхши сезади. Илонларнинг иссиқ иқлимли мамлакатларда кўп тарқалишига сабаб шу.

Кеч кузга бориб ҳарорат пасайиши билан илонларнинг ҳаракати сустлашади. Совуқ тушиши билан илонлар ҳаракати айниқса пасаяди ва улар учун карахтлик ёки уйқу даври бошланади. Энди улар ўзига бошнана излай бошлайди. Улар бундай пайтларда турли ёриқлар, форлар, қаламуш ва сичқонларнинг инига кириб, ўша ерларда ёзгача жон сақлайдилар. Бошпананинг температураси 18—20 градусдан кам бўлмайди, бу — илон танасининг температурасига яқин. Бинобарин, илонларнинг қишки уйқуси чин уйқу бўлмай, балки карахтлик ва ноқулай шароитга мажбуран мослашишдир.

Қишки уйқу ёки карахтлик барча илонлар учун хос бўлиб, бу уларнинг яшаш шароитларига боғлиқдир. Иссиқ иқлимли мамлакатларда карахтлик бўлмаслиги мумкин. Масалан, Ўрта Осиёда, хусусан унинг жанубий районларида — Туркманистанда ва Ўзбекистон ССРнинг Сурхондарё обlastida илонларнинг қишки карахтлиги қисқа вақт, атиги 3—3,5 ой давом этади. Бу ерларда ҳатто декабрь, январь ойларида ҳам далага чиқиб, ўзини офтобга солиб ётган илонларни учратиш мумкин. Ўрта Осиёning шимолий районларида эса карахтлик нисбатан узоқ, яъни 4—4,5 ой давом этади.

Хуллас, илонларнинг қишки уйқуси шароитга мослашибдан бошқа нарса эмас, акс ҳолда улар қирилиб кетган бўларди. Энди илонлар қишки карахтлик вақтида овқатланадими, деган савол туғилади. Бу саволга йўқ, деб жавоб бериш мумкин. Карахтлик даврида илонларга уларнинг организмида ёзда тўпланган ёғлар иш беради. Тўғри, бу вақтда илонларнинг организмида модда алмашинуви секинлашади, вазни қамаяди, лекин улар 5—6 ойлаб давом этадиган бундай ноқулай шароитга бемалол чидайди.

Денгиз ва океанларда яшовчи илонлар ҳам қишида ухлайдими? Қишки карахтлик денгиз ва океанларда яшовчи илонларга хос эмас. Бунга сабаб денгиз ва океан сувларида ҳароратнинг маълум даражада ўзгармаганлигидир. Қишида қирғоққа яқин жойларда ҳам сув юзасида ҳарорат пасайиши мумкин. Лекин бундай пайтларда илонлар сувининг чуқурроқ жойларига уриб кетади.

Қишки карахтлик фақат илонларга эмас, калтакесакларга ҳам хосдир.

Энди илонларнинг авраши ҳақидаги гапларга келсак. Илонни кўрганда айрим кишиларнинг тахликага тушиб қолиши унинг авраши ёки алдаши натижаси эмас. Балки унинг онгига илоннинг «хавфилилги» ҳақида сингиб кетган тушунчадир. Бу ўринда Америка ёзувчиларидан бирининг маълум бир ҳикоясида таєсвирланган воқеани эслатиш ўринидир. Ўтган асрдаёқ яшаган американлик ёзувчилардан бири ўзининг ҳажвий ҳикоясида илонларнинг авраши ҳақидаги афсона устида кулган эди. Ҳикояда ёзилишича, бир киши кроват остида бошини кўтариб турган кўзойинакли илонни кўриши билан унга томон эмаклаб бораверган. Уни кучли кўркув босиб, илонга етмасданоқ юраги ёрилиб ўлган. Сўнг текшириб кўрилса, кроват остидаги «илон» қўғирчоқ илон бўлиб, унинг ялтираб турган кўзлари эса шишадан ясалган экан.

Кўринадики, илоннинг авраганлиги рост бўлганда эди, қўғирчоқ илонни кўрган одам ўлмаган бўлур эди. Нотўғри тушунча ва қўркув унинг ўлимига сабаб бўлган. Балиқчилар билан суҳбатда бўлсангиз, уларнинг баъзилари илонларнинг авраши рост, деб ишонтиришга ҳаракат қиласидилар. Масалан, улар сувилон қурбақани қандай қилиб авраб ютиб юборганини ўз кўзлари билан кўрганликлари ии айтадилар.

Ҳақиқатан ҳам сувилон қурбақани тутиб ейди, буни биз ҳам кўп кўрганмиз. Бироқ, бу ов балиқчилар таърифлагандай бўлмайди. Сув илони қурбақани кўрганда унинг олдига ғоят дараҷада эҳтиётлик билан сузиб боради ва жуда яқин қолгач, чаққонлик билан унга ташланади. Илон сал қалтис ҳаракат қиласа борми, тамом, қурбақа дарҳол қочади-кетади. Баъзан шундай ҳам бўлади: сув илон бир ерда ўликка ўхшаб тинч ётади, қурбақалар эса унинг ёнига келиб қолишади, баъзан илоннинг ҳатто у ербу ерига тегиб кетади. Пойлаб ётган илон ана шунда қурбақага ташланиб ва уни ютиб юборади.

Сувилон баъзан тинч ётиб, ип сингари ингичка тилини чиқариб, ликиллатиб туради. Буни кўрган қурбақа илон тилини бирор қурт, ҳашарот, деб тахмин қилиб, тутиб ейиш учун илон олдига келади. Илон эса уни осонгина тутиб олади. Қушлар кўпинча дарахт шохига ёпишиб ётган илоннинг тўппа-тўғри бошига ёки гарданига бориб қўнишади. Бундай қулаӣ пайтларда илон тинч ўтиради, дейсизми? Ўз оёги билан келган овнинг дарҳол «шўрини қуритади».

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, афсоналарда айтилганидек, илонлар жониворларни авраётгани йўқ. Балки улар яшаш учун курашмоқдалар. Улар шунга мослашган ҳамдиirlар. Агар илон юқоридагидек, «ов» қилмаганда эди, ўзининг яшаши учун шаронтга мослашмаганда эди, у мавжуд бўлмас эди.

Юқоридагилардан чиқадиган холоса аниқ: илонлар аврайди, деган фикр афсона бўлиб, гайри илмийдир. Аслида эса, илон аврамайди, унда ҳеч қандай сеҳр йўқ. Гўзал табнатимизнинг бошқа жониворлари сингари у ҳам оддий, ўзига хос ҳаёт кечиради.

ИЛОННИНГ ҲАМ КУШАНДАСИ БОР

Табнатда ҳар бир жонзотининг кушандаси бўлганидек илонларнинг ҳам душмани бўлади. Қўйида биз бу бора-даги айрим кузатишларимизни баёни қилмоқчимиз.

Ўрта Осиёнинг ўзида тўққиз хил судралиб юрувчи, 40 хилга яқин ҳар хил қуш ва 16 хил сут эмизувчи ҳайвонлар илонларнинг энг ашаддий душманидир. Аввало судралиб юрувчиларга киравчи кўпгина илонларнинг ўзлари бир-бирларига ўч бўлади. Икки турдаги илон бир-бири билан тўқпашса, ўртада кураш бошланади. Фолиб чиққан енгилганини ютиб юборишдан ҳам тоймайди.

Заҳарли, жумладан, ўрмаловчи доғдор чипор илон ва бошқа баъзи илонлар катталари кичикларини тутиб ейди. Чарх илон ўзидаи ҳатто бир ярим марта катталидаги заҳарсиз илонларни ютишдан қайтмайди. Биз бир куни кўзойнакли заҳарли илоннинг меъдасидан чарх илонни, унинг ичидан эса кичкинагина кўлвор илонни топиб олдик.

Йиртқич қушлар ҳам илонларга жуда ўч бўлишади. Масалан, бургут судралиб юрувчилар ичida, айниқса, илонни хуш кўради. Йиртқич қуш — сариқсаннинг ҳам асосий озуқаси илондир. Бу қуш ўлжасини ейишдан олдин унинг бошини узиб ташлайди. Қора калхат ҳам ҳар қандай илонни омон қўймайди.

Ўзбекистоннинг чўл ва саҳроларида яшайдиган қалхатлар фақат илон билан тирикчилик қиласиди. Уларнинг уялари атрофида турли хилдаги заҳарли ва заҳарсиз илонларнинг пўстлари, суюклари қалашиб ётади. Бир куни биз Тўпаланг дарёси бўйида қалхатнинг заҳарли кўлвор илонни илиб олиб учиб бораётганини кўриб қолдик. Ҳавода қалхат билан илон ўртасида кураш борарди.

Илон танаси билан калхатни ўраб олгач, иккаласи ҳам ерга қулаб тушди.

Кўпчилик қушлар учун илон ганимат луқмадир. Сариқ турна, оқ ва қора лайлак, кўкқўтон, бойқуш, қарға ва бошқа қушлар илонларнинг энг хавфли душманлариридир. Зағизон илоннинг заҳарли ёки заҳарсиз эканлигининг фарқига боради. У бир метрлик чипор илонга қўрқмасдан ҳужум қиласди, аммо икки қарич келадиган заҳарли илонга яқинлашишдан чўчиди. Энг тез ҳаракат қиласдиган ўқилюнлар ҳам баъзан калхат, бургут, бойқуш, қорақарға каби қушларга ем бўлади. Сут эмизувчи ҳайвонлар орасида ҳам илонларнинг кушандаси оз эмас. Масалан, тулки илонга жуда ўч. У айниқса, баҳорда илон ейишни хуш кўради. Чунки бу вақтда илонни тутиш анча осон. Типратикан, бўрсиқ, чўл ва тўқай мушуклари, бўри, чиябўри, ёввойи чўчқа ва бошқа ҳайвонлар ҳам илонларни истеъмол қилишади. Лекин сут эмизувчи ҳайвонларнинг илон овлаши ҳар хил бўлади. Тўқай мушуклари илонларни ўрмон ичидаги пастқам жойларда овлайди. Чиябўри эса илонларнинг яшириниб ётган жойларини яхши билади, кундуз кунлари қум остида яшириниб ётган илонни ҳеч янглишмай топиб олади. Оқ савсар айниқса чўл қора илонини тез-тез ов қиласди.

Латчи деган йиртқич ҳайвон ҳам илонга жуда ўч. Сасиққўзанинг эса илонни кўрагра кўзи йўқ. Бирор илонни кўриб қолса, уни бурда-бурда қилиб ташлайди-ю, аммо емайди. Ёввойи чўчқа бунинг акси. Қанақа илон бўлмасин, заҳарлами, заҳарсизми, уни ўлдириб, паққос тушираверади.

Сувда яшовчи ҳайвон — ондатра ҳам дуч келгай суви-лонни истеъмол қиласди. Юмронқозиқ эса илон билан олишиб ўтирамайди, уларнинг тайёргина тухумини еб қўяқолади. Типратикан билан чўл қора илоннинг яккама-якка олишувини томоша қилиш мароқлидир. Барни бир, типратикан найзалири билан илоннинг додини беради. Илон кетма-кет ҳужумларга бардош бера олмай ҳолдан тояди. Шунда типратикан ишга киришади: бир ҳамма билан илоннинг бошини узиб ташлайди. Кейин уни бир бошидан бафуржга еябошлайди. Типратикан баъзан илоннинг ёнига аста бекиниб келади-да, думидан шартта тишлилаб олади. Илон қутулиб кетишга қанчалик уринмасин, ўз заҳрини қанчалик газаб билан сочмасин, барни бир типратикан чангалида жон беради.

Илонларнинг кушандаси фақат юқорида кўрсатилган жониворлар эмас. Одамлар ҳам уларнинг энг хавфли душманидир. Ҳисоблашларга кўра ҳар йили 3 миллионга яқин илон кишилар томонидан ўлдирилади. Айрим ҳалқлар илонларнинг заҳарини олиш учун овлаш билан бирга, уларни истеъмол ҳам қилишади. Масалан, корейслар, хитойликлар илондан бир неча хил тансиқ таомлар тайёрлашади. Хитойда фақат илон гўштидан овқат пишириладиган маҳсус ресторонлар бор. Бундай ресторонларнинг ҳовлисидаги қафасларда илонлар боқилади. Ҳўрандалар илонларни кўриб, ўзларига маъқул бўлганини танлашади ва хуш кўрган таомларини буюришади.

ИЛОНЛАР ИНСОН ХИЗМАТИДА

Табиатда барча жониворлар сингари илонлар ҳам инсон ҳаёти ва ҳалқ хўжалигида салбий ва ижобий роль ўйнайди. Ёз ойларида, айниқса Үрта Осиёning илонларга сероб бўлган жанубий районларида илон чақишидан айрим кишилар билан бир қаторда кўпгина чорва моллари зарар кўради.

Заҳарли илонлар билан бир қаторда баъзи бир заҳарсиз илонлар ҳам балиқчиликка ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари зааркунандаларини қирувчи фойдали ҳашаротхўр калтакесакларни еб заарар келтиради. Бошқа хил илонлар заарали кемирувчиларни қириб фойда келтиради. Шу нуқтаи назардан СССР территориясида яшовчи 58 тур илонларни заарали, фойдали, шунингдек, ҳам фойда, ҳам заарар келтирувчи группаларга бўлиш мумкин.

Заарали илонларга сувилон, ўқилон ва кўндаланг йўлли чипор илонлар киради. Фойдали илонлар группасига бир неча турга қирувчи чипор илонларни, жумладан, доғдор ўрмаловчи чипор илон, ранг-баранг чипор илон, холдор чипор ва бошқаларни, ҳам фойдали, ҳам заарали илонлар группасига эса ҳамма заҳарли илонларни киритиш мумкин.

Табиатда кўпгина ҳайвонларни мисолга олиб қарасак маълум бир даврда фойда келтирса, иккинчи бир даврда заарар келтиради. Умуман табиатда мутлақо заарали ҳайвон камдан-кам учрайди. Шундай экан, табиатда фойда келтирмайдиган ҳайвон йўқ. Ҳар бир жониворнинг табиатда ўз ўрни, аҳамияти бор. Илонлар ҳам табиатда бошқа зарур компонент сифатида маълум биоценозга

киради. Илонлар баъзи йиллари ҳаддан ташқари кўпайиб кетган бошқа ҳайвонлар — жумладан ҳашаротларни, кемирувчиларни қиради ва шундай қилиб, у ёки бу биоценозда йиртқич сифатида идора этувчи, тенггластирувчи вазифани бажаради. Табнатда заарарли бўлиб кўринган ҳар бир илонни у яшаб турган биоценозидан жудо этсак, унда нима бўлади? Бу вақтда айни шу биоценозда экологик бўшилиқ ҳосил бўлади. Бу бўшлиқни қисқа вақт ичидаги бошқа ҳайвонлар ҳисобига тўлдириб бўлмайди, албатта. Ниҳоятда у ёки бу илоннинг идора этувчи роли бартараф қилинган бўлади, натижада кемирувчилар сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетади. Бу эса халқ хўжалиги учун жуда ҳам заарарлидир.

Буниинг устига ҳозирги кунда илон заҳари медицина ва фармацевтика саноатидаги кенг қўллананаётганинги қўшсак, илонларнинг табнатдаги ўрни ва аҳамияти янада равшан бўлади.

Илон ва калтакесаклар тўғрисидаги фан — герпетология айниқса СССРда илдам ривожланмоқда. Совет герпетологлари — С. А. Чернов, П. В. Терентьев ва И. С. Даревскийларнинг бу борадаги хизматлари айниқса каттадир. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда эса академик Т. З. Зоҳидов ва унинг шогирдлари ҳам бу соҳада кўзга кўринарли ишлар қилмоқдалар.

Заҳарли илонлардан заҳар олиш ва унинг таркибини ўрганишда кейинги йилларда профессорлардан Ф. Ф. Тализин ва З. С. Баркаганлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Медицинанинг, фармацевтика саноатининг илон заҳарига бўлган талаби тўхтовсиз ошиб бормоқда. Чунки илон заҳаридан турли касалликларни даволашда ва уларнинг олдини олишда қўлланиладиган турли дорилар тайёрланади. Ҳозирги вақтда дорихоналарда сотилаётган «Випразид», «Випратокс» ва «Випракутан» каби суриладиган мойли дорилар кенг тарқалган касалликларни, шу жумладан, ревматизм, қуёнчиқ ҳамда невралгия каби касалликлар билан оғриган кишиларни даволашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу дориларни тайёрлашда гадюканинг заҳаридан фойдаланилади. Унинг заҳаридан тайёрланган бошқа хил дорилар билан шунингдек юқумли хроник полиатрит, бронхиаль астма билан оғриган касаллар ҳам даволанмоқда. Хирургияда эса кўп қон кетишини тўхтатиш учун илон заҳаридан тайёрланган дорилар муваффақиятли қўлланмоқда.

Илон зақарининг таркиби мураккаб оқсил қўшилмаларидан иборат бўлиб, у фермент ва ферментли заҳар кўришига эгадир. Унинг таркибида протеолитин ферменти мавжуд бўлиб, у оқсилларни парчалаб юбориш хусусиятига эга. Протеаза ва эстераза ферментлари эса қон ивиши ҳамда кўпгина бошқа мақсадларда ишлатилади.

Илон заҳари организмга таъсир этишига қараб иккигрупага бўлинади. Биринчи групага аспидлар ва денгиз заҳарли илонларининг заҳари киради. Буларнинг заҳарида нейротоксин ферменти (кобра токсинига ўхшаш) бор бўлиб, нерв системасини шол қиласди. Иккинчи групага кирувчи қораилонлар ва чинқироқ илонлар заҳаридан асосан тўқима ва қонни ивитувчи ферментлар бўлади. Утказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, бу илонлар заҳрида ҳам озроқ миқдорда нейротоксин ферментлари ва янги олинган заҳарда нерв системасига таъсир этувчи модда бўлиши аниқланган. Лекин заҳар қуритилиши билан бу хусусият йўқолиб кетар экан.

Заҳар таркибидаги ферментларнинг организмга таъсир этиши ҳам бир-биридан бутунлай фарқ қиласди.

Аспид илонлар чаққанда чаққан жой билинмайди, лекин тезда бутун организм ва хусусан нафас йўллари функцияси бузилади.

Қораилон ва чинқироқ илонлар чаққан жой тезда билиниб, қизариб шишиб, бутун атрофга тарқалади. Натижада бош айланиш ва айрим ҳолларда ҳушдан кетиш ҳоллари юз беради.

Илон чақишидан кўпгина тропик мамлакатларда яшовчилар айниқса зарар кўради. Ўрта минтақадаги поясларда илон чақиши нисбатан кам. Ҳар йили бутун Ер юзида ярим миллионга яқин кишини илон чақиши натижасида минглаб кишилар ҳалок бўлади. Илон чақишидан ўлиш Ҳиндистонда ва жануби-шарқий Осиё мамлакатларида айниқса кўп. Жанубий Америкада эса бу рақам ҳар йили 3—4 минг кишини, Африкада 800 кишини, Шимолий Америкада 15 кишини, Европада эса бир неча йилда бир кишини ташкил этади.

Илгарилари илон чақишидан ўлиш ҳар 100 кишидан 20—40 ва камдан-кам ҳолларда 70 процентни ташкил этар эди. Кейинги йилларда илон чақишига қарши ҳар турли сивороткалар топилганлиги туфайли бу кўрсаткич 1—3 процентгача камаймоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ўрта ҳисобда ҳар йили 10—12 киши илон чақишидан зарар кўради. Бу асосан Урта Осиё республикалари ҳиссасига тўғри келади.

Яқин йиллар ичида илон чаққан кишига биринчи ёрдам кўрсатишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

Илон чаққанда шу вақтгача қўлланиб келинган биринчи ёрдам—боғлаш, жароҳатланган жойни тилиш ёки қонни сўриб олиш кўп ҳолларда фойда ўрнига зарар келтириарди. Чунки бунда касалнинг аҳволи ёмонлашиб, кўп ҳолларда илон заҳаридан эмас, нотўғри даволашдан уларди.

Аввало, илон чаққан кишини ётқизиб, кўпроқ иссиқ ичимликлар ичириш ва тезликда илон заҳарига қарши тайёрланган сиворотка ёки зардоб билан укол қилиш керак. Сиворотка илон чаққан кишининг териси остига, мускули тагига ёки венасига юборилади. Илон чаққан кишига ўз вақтида ёрдам берилса, аксари 1—2 кунда тузалиб кетади.

Зардоб иккى хил бўлади. Моновалентли ва поливалентли. Моновалентли зардоб ёки сиворотка маълум биртур илон чаққанда, поливалентли зардоб эса барча турдаги илон чаққанда ишлатилади.

Шунингдек, қора илонлар ва чуқурча бош ёки чинқириқ илонлар чаққанида қон алмаштириш ҳам катта ёрдам бериши аниқланган.

Илон чаққанга қарши сиворотка биринчи марта ўтган асрнинг охирида (1899 й.) Сан-Паулу шаҳрида (Бразилия) Бутантан институтида олинган. Ҳозирги вақтда бу ер дунёда энг катта заҳарли илонларни ўрганиш ва заҳар олиш марказига айланган. Бразилиянинг турли бурчакларидан бу ерга ҳар йили 12,5 мингга яқин илон тутиб келтирилади, улардан 5—6 литр заҳар (қуруқ ҳолда 1—1,5 кг.) олинади. Майда илонлардан ҳар «софиш»да 20—40 мг (қуруқ ҳолда), йирик илонлардан эса 500—900 мг заҳар олинади.

СССРда биринчи серпентарий 1935 йили Б. В. Пестинский томонидан Тошкентда ташкил этилган. 1960 йилдан эътиборан Ўзбекистонда тутқунликдаги заҳарли илонлар ҳаётини ва табиий шароитда яшаётган илонлар ҳаётини ўрганиш ҳамда уларнинг заҳарини махсус равишда ҳар томонлама текшириш ишлари бошлианди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Зоология ва паразитология институти қошида Совет Иттифоқида биринчи мар-

та энг йирик, намунали серпентарий ташкил этилди. Бунда илонлар ҳаётини эркисизлик шароитига мослаштириш мақсадида катта-катта вольерлар ҳам қурилди. Серпентарийда илонларнинг тутқунликда яшаши, қишлиши, пўст ташлаши, овқатланиши, заҳар бериши, кўпайиши борасида илмий ишлар, кузатишлар ўтказилмоқда. Зоология ва паразитология институтининг заҳарли илонлар экологияси лабораторияси ходимлари Ўзбекистонда яшовчи заҳарли ва заҳарсиз илонлар ҳамда калтакесакларни чуқур ўрганиш борасида кўзга кўринарли ишлар қилмоқдалар.